

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«ЗООТЕХНИЯ» КАФЕДРАСИ

БАКАЛАВРИАТ 5410600 - ЗООТЕХНИЯ (Турлар бўйича) ЙЎНАЛИШИ

4 –92 ГУРУХ ТАЛАБАСИ

ЭШМИРЗАЕВ ЙИГИТАЛИ ЭШОНҚУЛОВИЧНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Голштинлаштирилган қора-ола зотли биринчи туққан сигирларни
сут маҳсулдорлигини ошириш омиллари»

Илмий раҳбар:
Зоотехния кафедраси
доценти, қ.ф.н.

У.Ш.Балласов

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди

Зоотехния кафедраси
муздир, доцент Ғ.Б.Амантурдиев

Зоотехния факультети декани,
доцент У.Ш.Балласов_____

“_____” _____ 2015 й.

«_____» «_____» 2015 й

ТОШКЕНТ –2015 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	10
1.1. Биринчи тукқан сигирларнинг сут маҳсулдорлиги.....	10
1.2. Сигирлар сут маҳсулдорлигини ёшига боғлиқлиги.....	24
1.3. Сигирларнинг асосий хўжалик фойдали белгиларининг авлоддан-авлодга ўтиши ва унинг аҳамияти.....	30
II-БОБ. ХЎЖАЛИК ТАРИХИ.....	37
2.1. “Ш. Мирхамедов” фермер хўжалилига тавсиф.....	37
2.2. Фермер хўжалигининг пода таркиби.....	38
2.3. Озиқа базасининг ҳолати ва озиқалар ҳаражати.....	44
III -БОБ. ТАҲЛИЛ УСЛУБИ.....	50
IV-БОБ. ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ.....	51
4.1. Ғунажинларни асраш шароитларини ўрганиш.....	51
4.2. Биринчи тукқан сигирларни озиқлантириш	52
4.3. Бузоқларни подани тиклаш хусусияти.....	53
4.4. Ғунажинларни туғишга тайёрлаш.....	54
4.5. Биринчи тукқан сигирларни сут маҳсулдорлигини таҳлил қилиш.....	55
ХУЛОСАЛАР.....	59
ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАКЛИФ.....	60
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	61

К И Р И Ш

Чорвачилик соҳаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий манбалардан бири бўлиб, республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улушининг 42,2 фоизи ташкил этади.

Кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш борасида 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ПҚ-308-сонли ва 2008 йил 28 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорлар ва 2006-2010 йилларда чорвачиликни ривожлантиришга мўлжалланган Дастурларнинг қабул қилиниши чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни соҳаларини ривожлантиришини таъминлади.

Президентимиз томонидан соҳани ривожига учун қабул қилинган 2 та юқоридаги қарорлари ва ушбу қарорлар билан чорвачилик соҳасига берилган имтиёзлар эвазига, иқтисод қилинган маблағлар наслчилик ишларини яхшилашга ва маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ҳисобига қатор ижобий натижалар қўлга киритилди.

Жумладан, кейинги уч йил мобайнида қорамоллар бош сонининг кўпайиши барча вилоятларда ўртача 113 фоизга тўғри келди, ёки Республика бўйича уларнинг ўртача сони 2011 йилда 9 млн 642,5 минг бошдан 2013 йилда 10 млн 500 минг бошга кўпайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки Республика чорвачилиги асосан аҳолининг шахсий ва дехқон хўжаликларида шаклланган ва улар ҳисобидан жадал кўпаймоқда. Жумладан қорамолларнинг 93,7 фоизи ва сигирларнинг 94,7 фоизи ушбу хўжаликлари тоифасига тўғри келади.

Республикада чорвачилик фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларда насли қорамоллар подасини кенгайтириш, насл ядросини мустаҳкамлаш, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида республикада 2006-2013 йиллар мобайнида четдан 24,2 минг бошдан

ортиқ насли урғочи тана ва ғунажинлар импорт қилинди ва кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди. Ҳозирги кунда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликлари сони 414 тага етказилиб, уларда 99 минг 460 минг бош юқори наслдор қорамоллар парвариш қилинмоқда.

Биргина 2011 йилда уларда 6 мингдан ортиқ насли моллар тайёрланди ва аукционлар орқали сотилди.

Қорамолларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик имкониятларини оширишда наслчилик–селекция ишларида ҳам ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Завод типидagi наслчилик фермер хўжаликлари ва корхоналари импорт қилинган голштин ва швиц зотли моллар ҳисобидан шаклланмоқда.

Бугунги кунда республикада швиц, бушуев, голштин-фриз, қизил чўл ва қора ола зотлари парвариш қилинмоқда.

Аксарият наслчилик йўналишидаги хўжаликларда сигирлардан ҳар куни 20-30 килограммдан ёки лактация довомида 6-7 минг кгдан сут соғилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Юқори чирчиқ туманидаги “Тано”, Чиноз туманидаги “Юлдуз”, “Дил гиё файз барака”, Зангиота туманидаги “Милк – Агро”, “Рохатой”, Қибрай туманидаги Ш.Мирахмедов каби кўплаб хўжаликларнинг подалари “олтин фонд” ҳисобланади.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол подаларини яхшиловчи голштин ва швиц зотлари билан такомиллаштирилиши ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Олинган янги авлод сигирлар сут соғими 3800-4000 кгдан ошмоқда. Айниқса АҚШ, Канада, Германия, Голландия, Исроил давлатлари Голиштин зотли “яхшиловчи” буқалар уруғини импорт қилиш ва улардан сунъий уруғлантиришда фойдаланишдан сермахсул авлодлар олинмоқда.

Четдан насли мол олиб келишда ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда районлаштирилган зотларни алоҳида эътиборга олиш зарур.

Қорамолчиликда сунъий уруғлантиришни кенгайтириш, керакли асбоб - анжомлар билан жиҳозлаш янги линияларни ишга тушириш ва зооветеринария хизматлари бажарилмоқда.

Кейинги 3 йил давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги она молларни сунъий уруғлантириш 158 фоизга ошди. Биргина мисол: 2011 йилда республика бўйича 988,0 минг бош сунъий уруғлантириш амалга оширилган бўлса, 2013 йилда 1 млн. 564,2 минг бошдан ортиқ сигир ва урғочи таналар сунъий уруғлантирилган бўлиб, бу барча сигирларга нисбатан 40 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Ҳаммамизга маълумки чорвачиликнинг ривож ва чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдаги муаммолар озуқа базасини мустаҳкамлаш ва молларни талаб даражасидаги тўйимли озуқалар билан тامينлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорига асосан чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида озуқа экинлар майдонини ошириш, озуқа экинлар уруғчилигини ташкил этиш, кучли озуқалар етказиб бериш тизими белгилаб берилди.

Ушбу қарорга асосан ҳар бир туманда уруғчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларнинг Низоми ишлаб чиқилди.

Лекин ҳозирги кунда ушбу хўжаликлар деярли фаолият кўрсатмаяпти. Низомга асосан ушбу хўжаликлар фаолиятини ташкил этиш, озуқа экинларнинг элита ва супер элита навлари билан таъминлаш мақсадида ҳудудий дон корхоналарининг масъулиятини ошириш бугунги кун долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тошкент Давлат аграр университетининг Зангиота тумани “Рохатой” ва “Милк-агро” хўжаликларида ўтказган тажриба майдонларида беда хосилдорлиги 63-65 ц озиқа бирлигини, оралиқ экинлар ва маккажўхори майдонларидан олинган силос массалари 1100-1200 ц ёки 220-240 ц озиқа бирлигини ташкил этган. Ўртача озиқабоп экинлар майдонининг 1 гектаридан 170-173 ц озиқа бирлиги олинган.

Республикада аҳолининг ўсиши, халқнинг моддий фаровонлигини узлуксиз ўсиб бориши чорвачиликни ривожлантиришни талаб қилади.

Чорвадорлар зиммасига қўйилган бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш аввало ем-хашак, чорва озукасини етиштиришни кескин кўпайтиришни, чорвачиликни барча соҳаларини озиқ билан етарли даражада таъминлашни, наслчилик ишларини замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда, наслчилик ишларини яхшилашни, мавжуд зот ҳайвон ва паррандаларни ирсий имкониятларини янада оширишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чорвачиликни янада ривожлантириш уни барқарор соҳага айлантириш борасида бир талай қонунлар ва фармонлар қабул қилинмоқда.

- 1993 йил 15 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги;

- 1993 йил 3 сентябрдаги “Ветеринария” тўғрисидаги;

- 1995 йил 21 декабрдаги “Наслчилик ишлари” тўғрисидаги;

- 1998 йил 15 июл 300-сонли “Фермер хўжалиги” тўғрисидаги;

- 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2006 йил 3 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра чорвачилик билан шуғулланаётган фермерларга жуда кўп имкониятлар яратиб берди.

Қарорга кўра шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлар бериш, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш, қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, чорвачилик билан шуғулланаётган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги шахсларнинг меҳнат даври иш стажига киритилиши, уларга нафақа ва ижтимоий суғурта тўловлари тўлаш ва меҳнат дафтарчаларини юритиш, 2010 йилгача наслчилик хўжаликларини насли мол учун божхона тўловларидан озод этиш шулар жумласидандир.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПКҚ-842-сонли қарор қабул қилиниб, мазкур қарор асосида, Республикамизда чорвачиликни, биринчи навбатда қорамолчилик соҳасини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилди. Қарорга кўра деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришда қишлоқ аҳолиси учун зарур шароитларни яратиш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш;

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар олиш жараёнини енгиллаштириш;

Чорва молларини ўстириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларидаги шахслар меҳнат билан банд аҳоли тоифасига киритилиб, уларга меҳнат дафтарчасини бериш, уларнинг соҳадаги меҳнат даври иш стажига киритилиши ҳамда улар пенсия фондига қонунда белгиланган тартибда бадал тўлаганда уларга нафақа ва ижтимоий суғурта тўловлари тўлаш;

Меҳнат дафтарчаларини юритишни меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг ҳудудий органлари ҳамда фуқароларни ўз ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

Деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришда кам таъминланган оилаларга тажриба тариқасида сигир ёки ғунажинни тоvonсиз ажратиш;

Жойлардаги мол бозорларида зотдор молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига сотиш бўйича ҳар ойда камида бир марта аукционлар ташкил этиш;

2010 йилгача наслчилик хўжаликларига четдан олиб келинадиган насли мол учун божхона тўловларидан, зооветеринария хизмати ва сунъий кочириш пунктларини ягона солиқ тўловларидан озод этиш белгиланган.

Дастурда республикамизнинг барча тоифадаги хўжаликларида қорамоллар бош сони 2005 йилдаги 6242,2 минг бошдан 2010 йилга бориб 8118,4 минг бошга, шу жумладан сигирлар 2704 минг бошдан 3516,4 минг бошга, гўшт ишлаб чиқариш (тирик вазнда) 1294,6 минг тоннага, сут 8167,3 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

Дастурда 2006-2010 йилларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Чорвачиликни ривожлантиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш, мол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш, наслчилик ишларини яхшилаш, насли мол сотиш учун “ким ошди” савдоларини ташкил этиш, зооветеринария хизматлари кўрсатишни яхшилаш ҳамда озуқа базасини ташкил этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

И.А.Каримовнинг 2009 йилдаги “Жаҳон-молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” дастурдаги маърузасидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурида гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микроферма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш тайёр ноозик-овқатларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микроферма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш каби имтиёзлар берилди. Бу эса чорвачиликни ривожлантиришнинг энг устувор

вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади ва иқтисодий инқирозни олди олинади.

Президентимизнинг ушбу соҳага оид чиқарган фармонлари ҳозирги кунда ўз натижаларини кўрсатмоқда. Жумладан, республикаимизга чет-эл технологияси асосида ишлайдиган кичик фермалар, сутни қайта ишлаш цехлари ва чорва маҳсулотларига дастлабки ишлов берувчи тахнологиялар келтирилмоқда. Чорвачиликни ривожлантиришда наслчилик ва селекция ишларини такомиллаштириш, янги сермахсул зот ва зот гуруҳлари яратиш, мавжуд зотларни яхшилаш, дуругайлаш ишларини кучайтириш, саноат асосида чатиштириш тадбирларини жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бу вазифаларни бошқариш учун наслчилик ишларини яхшилаш, молларни насл сифатини ва маҳсулдорлигини оширишни ҳамда уларда генетик имкониятларини тўла намоён этиш учун асраш, сақлаш, парваришлаш, озиқлантириш ва гўшт маҳсулдорлигини ошириш технологиясини замонавий усулларда ишлаб чиқаришга жалб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

1.1. Биринчи тукқан сигирларнинг сут маҳсулдорлиги.

Жаҳонда сутбоп қорамолчилик ривожланишини кўзгатадиган бўлсак, бу аввало моллар селекцияси жарёнини ҳамда ёш молларни боқишни жадаллаштириш билан узвий боғлиқлигини кўрамиз. Шундан келиб чиқиб, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш ва такомиллаштириш, уларни сақлаш ва боқиш шароитига, ўстириш технологиясига яроқлилик даражасини яхшилашга бўлган талаб селекция наслчилиги ишлари аҳамиятини кескин кучайтиради. Бунда ўта муҳим тадбирлардан бири урғочи бузоқларни мақсадли равишда боқиш бўлиб, бу уларни поддага анча олдин киритиш ва сермаҳсул сигир етиштириш имконини беради.

Кейинги йилларда подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни мақсадли боқиш кўпгина олимларнинг эътиборини тортди. Бунда кўпгина тадқиқотчиларнинг фикри ҳайвонларнинг шаклланишига, улар яшаётган шароит, озиклантириш даражаси катта таъсир кўрсатади (Ш.А.Акмалханов, М.Ашуров, 1986, У.Н.Носиров ҳаммуалифлари билан 1989, Т.Х.Икрамов, И.Хидиров, 1984, Л.В.Зборовский, 1991, Ш.Ш.Мадрахимов, К.Мадаминов, 1992). Бунда рационнинг тўла қимматлилиги ва озиклантириш тури, шунингдек, сақлаш шароити муҳим аҳамият касб этади. Шу нарса аниқланганки, ҳайвонларнинг яшаш шароитини ўзгартириб, улардаги модда алмашинувини ва жадаллигини, шу ҳайвонлар учун мақбул томонга буриш мумкин. Шундай усуллардан бири мақсадли йўналишда боқиш, яъни ҳайвонларнинг шаклланиш жараёнидан аниқ мақсад ва маълум шароитда фойдаланиш ҳисобланади. Бу эса ёш молларнинг ривожланишини, онгли равишда бошқариб, уларда биз учун зарур хусусият ва маҳсулдорликни мужассамлаштириш имконини беради.

Ҳозирги даврга келиб, бузоқларни жадал ўстириш бўйича ва ҳар - хил ўсиш даврида улар вазнининг ортиш даражаси тўғрисида бир қанча тизимлар таркиб топди.

Ҳайвонларни технология бўйича ўстиришнинг мақсади ва вазифаларига тўла жавоб бериши учун қорамолларнинг маҳсулдорлиги ташқи муҳит таъсирида шаклланишидаги ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиш керак, шуни қайд қилиш керакки, бузоқларнинг жадал ўсишига энг аввало озиклантириш даражаси таъсир кўрсатади. Узоқ йиллар мобайнида молларнинг сут маҳсулдорлиги шаклланишини ўрганган А.П.Бегучев қайд қилишича, бузоқларни жадал ўстириш, сигир етиштириш муддатини паст озиклантириш шароитида етиштирилган сигирга нисбатан, анча қисқартириш, биринчи тукқан сигирлар тирик вазнини ошириш ва кўп сут соғиб олиш имконини беради. Шу билан бирга бузоқларни жадал боқишда уларнинг сутдорлигини пасайтиришга олиб келиши мумкин бўлган меъёрни билиш зарур, деб ҳисоблайди.

Қорамолларни баҳолашдаги муҳим белгилардан бири, улар ташқи кўриниши ва тана тузилиши бўлиб, у зотларга хос белгиларни тўғри тасаввур қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари мустаҳкам тана тузилишига эга ҳайвонлар хўжалик ҳамда биологик талабларига тўлароқ жавоб беради.

Шуни ҳисобга олиб, К.Б.Севичин “Ҳайвонлар вазни ўзгаришига қараб, улар тўғрисида тўла тасаввур олиш мумкин эмас, чунки ўсиб бораётган организм озик моддалар етишмаслигидан вазнини вақтинча ўзгартирмаган ҳолда ўз танаси ўлчамларини ошириши мумкин. Бундан ташқари, ҳайвонлар ўсиш жараёнида улар танаси мутаносиблигининг нисбати ўта ўзгариб, тирик вазни ортиши мумкин. Шунинг учун ҳайвонлар вазни ҳақида маълумотларни уларнинг тана ўзгариши хусусидаги маълумотлар билан тўлдириш зарур”, деб ҳисоблаган. Сутбоп подаларни маҳсулдорлигини оширишда ва такомиллаштиришда наслдор буқаларнинг насл қиймати юқори бўлиши ва улардан самарали фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Муаллифларнинг тадқиқотларида сигирларнинг хўжаликда фойдаланиш муддати 24,7-31,3% ҳаёти мобайнидаги сут маҳсулдорлиги 23,2-28,1% улар оталарининг насл сифатига боғлиқ бўлган.

Қора-ола зотли қорамоллар подаларида сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ва елинининг технологик белгиларини ҳамда уларнинг тана тузилишини ҳам ҳисобга олиш юқори маҳсулдор подалар яратишда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунга ўхшаш хулосалар П.А.Степанов, В.А.Примақ (2001) тадқиқотлари натижаларида ҳам кузатилади.

Носиров У.Н. (Қорамолчилик дарслик 2001 й.) маълумотига кўра, подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни озиклантиришда озика таркибидаги куруқ моддалар миқдори эътиборга олинади. Озика рационадаги куруқ моддалар миқдори молнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 2,5-3,0 килограммдан тўғри келиши керак. Шу ҳисобдан ширали ва дағал озикалар билан боқилган урғочи таналар қиш даврида ҳар куни ўртача 300-400 граммдан қўшимча вазн олади.

Сермахсул сигирлар етиштириш маълум миқдорда бузоқларни боқиш ва сақлаш шароитлари билан боғлиқдир. Чунки сут эмиш ва кейинги даврларда яхши боқилган бузоқ сигир бўлиб тукқач, энг кўп сут бериши мумкин. Демак, яхши ривожланган, ташқи муҳит таъсирига чидамли, озукани тежамли фойдаланадиган бузоқларни ўстириш, фақат уларни боқиш жараёнида ўсиш ва ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олгандагина мумкин.

У.Н.Носиров, О.Собировнинг (2008) хулосасига кўра, Ўзбекистонда замонавий селекция ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, моллар маҳсулдорлигини кескин ошириш ва зотларни такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Аввало, молларни урчитиш ишида дунё генафондига хос бўлган сермахсул зотлар уруғидан унумли фойдаланиш орқали вилоятларда районлаштирилган сут, сут-гўшт йўналишдаги зотларни такомиллаштириш, уларни таббий-иқлим шароитимизга мослашиш хусусиятларини сақлаган ҳолда сут ва гўшт маҳсулдорлигини 2-3 бараварга (ҳар бирининг сут соғимини йилига 5000-6000 кг га ва тирик вазнини 400-450 кг га) кўтариш омилларини ишга солиш даркор.

У.Н.Носиров ва Б.Л.Солибоевнинг (1993) тажриба маълумотларига кўра, Голиштин зотли буқаларни тирик вазнини ошириш учун озиклантириш натижасида Голиштинлар қонининг ортиши билан буқаларнинг тирик вазнининг ортиши жадаллашиб боради. Д.В.Карликов ва бошқаларнинг (2001 й) тадқиқотларида қора-ола зотли қорамолларнинг голиштин зотига мансуб буқалар билан чатиштириб такомиллаштиришда дуруагай сигирларни соф қора-ола зотли сигирларга нисбатан тирик вазни юқори бўлиб, бу эса уларнинг сут маҳсулдорлиги юқори бўлишини таъминлаган. Н.И.Стрекозов, С.Н.Левина (2001 й) тадқиқотларида ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган.

Ҳар хил зотга мансуб бузоқларни сақлаш ва уларнинг ўсиш ривожланишини, ишлаб чиқариш қобилиятини ва бошқа кўрсаткичларини куйидагилар ўрганганлар. М.Аширов (1980), Г.В.Епифанов, Н.И.Степанов ва бошқалар (1982), О.М.Шарипов (1983), С.М.Деркенбаев (1984), З.Т.Тўрақулов, А.Абдурасулов (1984), Н.П.Лопицкая (1984), В.С.Линник, В.П.Миненко ва П.И.Иванков (1985), Г.И.Бахитов ва А.В.Каменская (1989), З.Давидова (1986), Ч.Юкна ва Р.Папавас (1998), И.М.Мақсудов ва Н.И.Бисирова (1990), С.А.Кубаев ва П.Пушкарева (1990), А.И.Маматқулов (1991), И.Хидиров ва О.Ибрагимов (1993), Ш.Ш.Акбарходжаев (1993), Г.Б.Амантурдиев (1996), Б.А.Қахрамонов (1999), Т.У.Носиров (2010) ва бошқалар. Уларнинг фикрича, жониворлар нафақат ўрганиладиган зот, балки бир хил зотга мансуб буқаларни сақлаш усулига айримлари ўзларича мослашадилар.

Е.А.Арзуманяннинг (1988) таъкидлашича, сут маҳсулдорлиги бўйича рекордчи сигирлар зотни такомиллаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Улар юқори насл қийматига эга авлод берибгина қолмай, балки арзон маҳсулот ҳам беради. Шунинг учун ҳам подаларнинг маҳсулдорлигини такомиллаштиришда уларнинг аҳамияти бениҳоят катта.

А.Н.Калмыковнинг (1991) таъкидлашича, сигирларнинг онасини фенотипи ва авлодларининг сифати бўйича баҳолаш – подаларни такомиллаштиришда асосий усулдир. Муаллифнинг фикрига кўра,

сигирларнинг юқори маҳсулдорлигини, уларнинг авлодларида мустаҳкамлашда яқин даражадаги инбридингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Н.Паниннинг (1992) хулоса қилишича, илк бор туккан сигирларни хусусий маҳсулдорлиги бўйича баҳолаш сутбоп подалар маҳсулдорлигини оширишда асосий усуллардан биридир, бундай сигирлар одатда юқори маҳсулдор авлод ҳам беради.

Е.Сакса (1998) хулосасига кўра, подаларни такомиллаштиришда сигирлар ота-оналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолода селекция ишларини ташкил этиш муҳим омиллардан биридир.

Муаллифнинг маълумотларига қараганда, оналарининг сут маҳсулдорлиги 4001-5000 кг бўлган сигирлардан олинган қизларининг сут маҳсулдорлиги 6705 кг бўлиб, оналариникидан 2084 кг юқори, 6001-7000 кг сут маҳсулдорлигига эга сигирларнинг қизларида маҳсулдорлик 7112 кг бўлиб, оналариникидан 722 кг ва 7001-8000 кг сут маҳсулдорлигига эга сигирларнинг қизларида сут маҳсулдорлиги 7520 кг бўлиб, оналариникидан 144 кг юқори бўлган.

Муаллиф тадқиқотларида оналари ва қизларининг сут маҳсулдорлигининг фарқи олинган авлоднинг голиштин зоти бўйича зотдорлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Бунда I бўғин дурагайларда оналарининг сут маҳсулдорлиги уларнинг маҳсулдорлигига катта таъсир кўрсатмаган, аммо зотдорлик ошиши билан оналарининг маҳсулдорлигига боғлиқлик ошаверган.

Ш.А.Акмалхонов ва бошқаларнинг (1986) фикрича Республикамизда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг кўпгина имкониятлари мавжуд бунинг учун қорамоллар маҳсулдорлигини оширишга селекция наслчилик ишларини янада ривожлантиришга сақлаш ва озиқлантириш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Х.Амирхоновнинг (2004) таъкидлашича, бутун дунё мамлакатларида чорвачилик соҳасини ривожлантиришда биринчи навбатда наслчилик базасини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳамда селекция наслчилик ишларини такомиллаштириш учун шароит яратилади.

Н.П.Макаренко (1992) маълумотларининг кўрсатишича, голштин зоти бўйича $\frac{3}{4}$ зотдорликдаги дурагайларнинг соғин давридаги сут маҳсулдорлиги соф зотли тенгқурлариникидан 703 кг, сут ёғи чикими 27,7 кг юқори бўлганлиги кузатилган. Шунингдек, дурагай сигирлардан сутбоп подаларда фойдаланишнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлган.

А.А.Коршунова, И.П.Примакин, А.А.Соколов, А.П.Солдатовнинг (1993) қайд қилишларича, подаларда молларни яккама-якка жуфтлаш режаларини тузишда жуфтланаётган молларнинг ёшини ҳам ҳисобга олиш лозим. Муаллифларнинг тадқиқотларида 24% юқори маҳсулдор сигирлар биринчи марта туққан сигирлардан олинган.

А.Н.Калмыковнинг (1993) ёзишича, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ота-оналарининг насл қийматиغا боғлиқ. Масалан, оналарининг ва оталари оналарининг сут маҳсулдорлиги 6000-7000 кг ни ташкил этган моллардан 37,3% шундай сут маҳсулдорликка эга сигирлар олинган, 42% - 6000 кг ва ундан кам, 20,7% - 7000 кг ва ундан юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар олинган.

Н.М.Костомахин (1991) хулосасига кўра, қорамол зотларини такомиллаштиришда ва юқори маҳсулдор подалар яратишда сигирларнинг ота-оналарнинг асосий селекция белгиларини ҳисобга олган ҳолда наслчилик ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Тоза зотли ва маҳаллий ҳамда ёш зебу гибридларининг ўсиш ва ривожланишини жадал технология асосида ҳар хил шароитда ўстириш ва озиқлантириш борасида қуйидаги илмий ишларда ўрганилган. У.Н.Носиров (1967), Н.М.Расулов (1967), М.Нортожиев (1969), А.К.Оганисян (1971), М.О.Баратов (1969), И.Хидиров ва Р.Булашев (1988), А.Джехиш (1990),

Ш.Т.Кобиров (1991), У.Н.Носиров ва Б.Л.Солибоев (1993), Б.Л.Солибоев ва Б.Д.Ли (1993), Ш.А.Мадрахимов (1993) ва бошқалар.

Ш.Н.Мадрахимов (1993) таъкидлашича, бир хил шароитда тажрибадаги букачаларни сақлаш ва ҳар хил озиклантириш организмнинг шаклланишида асосий аҳамиятга эга эканлигини айтади.

Букачалар оширилган озуқа нормаси асосида озиклантирилганда 2459 озиқа бирлигида ва 15 ойлик ёшида 382 кг тирик вазнга эга бўлди. Ўрта озиклантирилганда 2125 озиқа бирлигида тирик вазни 355 кг ва озиклантириш нормаси пасайтирилганда 1867 озиқа бирлигида 320 кг тирик вазнга эга бўлди. Б.Л.Солибоев, Б.Д.Ли (1993) ҳар хил генотиплардан олинган маҳаллий букачаларнинг бир хил озиклантириш шароитида физиологик кўрсаткичларини ўрганганлар. Уларнинг айтишларича, жониворлар қони таркибидаги гемоглобин ва қоннинг бошқа элементларининг сони бир-биридан кам фарқ қилади. Гемоглобин ва эритроцитларнинг кўтарилганлиги ёзда кузатилади. Ёзда томир уришини қишдаги кўрсаткичлар билан солиштирганда гуруҳлар бўйича ўртача минутига 4,8-5,4 марта юқори бўлиши, нафас олиши 17,8 ва тана температураси $0,2-0,8^{\circ}\text{C}$ қишга нисбатан юқори эканлиги ва физиологик нормадан ошмаслигини таъкидлашади.

Унчалик катта фарқ бўлмаган ушбу кўрсаткичларнинг сабаби организм ва ташқи муҳит ўртасида содир бўладиган реакция натижаси бўлиши мумкин.

М.М.Аширов (1993) фикрича, сигирларнинг туғиш фаслини уларнинг сут маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки бу ҳол моллар маҳсулдорлигини оширишда уларнинг туғишини энг мақбул фаслларга режалаштириш имконини беради ва соҳанинг самарадорлигини оширишда катта имкон бўлиб хизмат қилади. Бунда келиб чиқишидан қатъий назар кўпчилик сигирлар қиш ва баҳор ойларида туққанда уларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда голштинлаштитрилган букачалардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши кузатилган.

М.М.Аширов (1993) маълумотларига кўра, сигирларнинг биринчи туғишдаги ёшани сут маҳсулдорлигига таъсирини келиб чиқишидан қатъий назар молларни жадал суръатларда ўстириш ва уларни имкони борича эрта, яъни 2 ёшида асосий подага киритиш унинг сут маҳсулдорлигига салбий таъсир этмаслигини кўрсатади ва айниқса, бу ҳол катта 3 ва ундан юқори ёшларда асосий подага киритилган оналарнинг маҳсулдорлигидан ҳам юқори маҳсулдорликка эришиш мумкинлигини кўрсатади.

М.М.Аширов (1993) ўз тадқиқотларида жуфтлаш усулларининг сигирлар сут маҳсулдорлигига таъсири бўйича иш олиб борган. Тадқиқотлар 2 хил ўхшаш белгилари бўйича жуфтлаш усулларида фойдаланган.

Бундай жуфтлаш, айниқса дуагай сигирларнинг, яъни Қора-ола зотли сигирларни Голштин зотли буқалар билан чатиштирилганда олинган 1-буғин сигирларнинг сут маҳсулдорлигига сезиларли даражада ижобий таъсир этади.

Дурагай сигирларнинг сут миқдори соф зотли тенгқурларига нисбатан 13 кг сут, сут ёғ чиқими миқдори 3,8 кг, сутдорлик кўрсаткичи 21 кг, 4% ли сут миқдори 96 кг кўп бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўхшаш белгилари бўйича сигирларни жуфтлаш, улар авлодларида айрим селекция белгиларини яхши ўтказиш имконини беради.

И.Н.Кудлай, А.Н.Попов (1990) тадқиқотларида шу нарса аниқланганки, подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни боқишда уларни озиқлантириш меъёрини 15-20% га ошириш, 18 ойликда таналар тирик вазнининг 400 кгдан юқори бўлиши таъминланган.

У.Н.Носиров, И.Хидиров, К.К.Карибаев (Бузоқларни боқиш технологияси 1989) қўлланмасида бузоқларни ўсиш режаси бўйича боқиш тавсия қилинади. Бунда улар бузоқлар 24 ойлигида, тирик вазнини 500-510 кг га етказишни режалаштиришни ва сифатли дағал озуқаларга 10 кунликдан ўргатишни маъқул ҳисоблайдилар.

Ш.Н.Мадрахимов (1992) тадқиқотларида шу нарса аниқланганки, бузоқларни озиқлантириш даражасини 24,1% фоизга оширганда бузоқлардан

юқори кўшимча вазн ($772,9 \pm 3,2$) олиш имкониятини берган ва 15 ойликда тирик вазни $382,2 \pm 1,35$ кг бўлиб қочирилган. Озиқлантириш даражаси 12,8% оширилганда эса, 18 ойда 400 кг га етган. Шунини қайд қилиш керакки, озиқлантириш даражасини оширишдан мақсад подани тезда насли бузоқлар билан тўлдиришдир. Аммо озиқлантириш даражасини оширганда озука рационини ҳамма моддалар бўйича мутаносиблаштирилган бўлиши керак. В.М.Дзоблев, Г.Н.Махаринец маълумотлари бўйича озиқлантириш меъёрини 17,3% га оширганда улар тирик вазни 17,5 ойлигида 364,6 кг га етган ва бу уларни эрта қочириш имкониятини берган.

Республикамиз олимларидан Ш.А.Акмалханов, М.Аширов (1986), У.Н.Носиров, И.Хидиров, Х.Рахматов, Х.Ғиёсов (1989), И.Хидиров, Х.Рахматов, Х.Ғиёсов (1990) ва бошқа кўпгина тадқиқотчилар ҳам шундай фикр билдиришган.

Демак, подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни жадал боқиш подага киритиладиган молларнинг етилишини тезлаштириб, сермахсул сигирлар етиштириш имкониятини оширади.

Урғочи бузоқларни махсус хўжаликларда боқиш ва жойларда подани вақтида махсулдор қорамоллар билан тўлдириш керак.

У.Н.Носиров, И.Хидиров ва бошқалар (1989), У.Н.Носиров, И.Хидиров, Т.Решетова (1990) ва бошқаларнинг фикрича подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқлар махсус хўжаликларда боқиб парвариш қилинса, майда фермаларда боқилганидан анча самарали бўлиб, подани вақтида катта гуруҳлар билан тўлдиришга имкон беради.

Шунинг учун Европа мамлакатларида ва Ўзбекистонда анча йиллардан буён бузоқлар махсус хўжаликларда боқилади. Натижада бу хўжаликлардан кўплаб талабга жавоб берадиган махсулдор подани тўлдирадиган ғунажинлар олинади. Ишни бундай ташкил қилиш, айниқса, ҳозирги пайтда кечиктириб бўлмайдиган масала, чунки фермер хўжаликларини ва фермаларни юқори сут маҳсулоти берадиган, ишлаб чиқариш жараёнига мослашган сигирлар билан тўлдириш керак.

Лекин кейинги пайтда республикамизда ғунажинларни етиштириб берадиган махсус хўжаликлар асоссиз равишда йўқотилмоқда. Бунга сабаб ем-хашак базасининг йўқлиги, подани тўлдирадиган бузоқларни парвариш қилиш самарали жараёнининг ишлаб чиқилмаганлиги ва ниҳоят ҳар хил хўжаликлардан бузоқлар бир жойга тўплаганда юқумли касалликлар тарқалиши кўрсатилмоқда. Шунинг учун подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқлар ҳар бир хўжаликнинг ўзида боқиб ўстирилмоқда. Бундан ташқари подани тўлдириш учун ажратилган бузоқларни фақат махсус хўжаликларда боқиш, подани юқори маҳсулдорли сизирлар билан тўлдиришнинг ягона йўли эмас.

Кўпчилик туманларда хўжаликлар шарт-шароитига қараб бузоқларни ўзларида парваришлаб ўстиради ва биринчи тукқан сизирларнинг сут маҳсулдорлигини назорат қилиш учун махсус бинолар ажратилади. Бу усул ҳам сут ишлаб чиқарадиган комплекс ва фермаларни юқори маҳсулдорли сизирлар билан тўлдиришда катта ёрдам беради. (У.Н.Носиров, И.Хидиров, Х.Рахматова, Х.Ғиёсов (1989), И.Хидиров, Х.Рахматова, Х.Ғиёсов (1989)).

Урғочи бузоқларни хўжалик ичида боқишда тўйимли озуқа ва самара берадиган сақлаш усуллари қўлланилиши керак, чунки ана шулар келгусида уларни жадал ўсиш, ривожланиши, сиғимини ҳамда сут маҳсулдорлигини белгилайди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини жадаллаштириб боқишда ҳар томонлама тўйимли озуқа уларнинг маҳсулдорлигини ошишида асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Озиқлантириш рационининг тўйимлилиги 20-30 кўрсаткич билан белгиланиши лозим бўлганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун янги деталлаштирилган меъёрли озиқлантириш рационлари ишлаб чиқилади.

Салоҳиддинова Х. – “Бузоқхоналарда мўътадил микроиқлим 1986” мақоласи маълумотларига кўра, турли иқлим шароитларида сақланаётган 6 ойлик бузоқларнинг табиий чидамлилиқ, маҳсулдорлиқ ва касалликларга чалиниш даражасида сақлаш ва озиқлантириш меъёрларининг таъсирини

ўрганиш натижаларига кўра бузоқлар қиш ойларида иссиқ, қуруқ ва тоза биноларда сақлангани ва қуёш нуридан керакли миқдорда баҳраманд бўлганлиги сабабли, улар организмидаги модда алмашинуви яхшиланади, яъни ўсиш ва ривожланиш 7-13% кўпаяди.

Юқори маҳсулдор сигирларни танлашда уларни серсут қилиш, ғунажинларни туғишга тайёрлаш катта ахамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Сигирларни серсут қилиш натижасига кўра маҳсулдорлиги бўйича яхши ва индивидуал кўрсаткичлари бўйича юқори бўлган сигирлар танланади. Ушбу сигирлардан подани тулдирувчи бузоқлар ва юқори маҳсулдор букалар қолдирилади натижада моллар маҳсулдорлиги тез ошади.

Л. С. Жебровский (1986) маълумотига қура серсут қилиш учун сутни қупайтиришга ажратилган сигирлар сони ва серсут қилиш даражаси хўжаликни озуқа билан таминланишига боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Н. Т. Шоймуродов (2008) “Толиштинлаштирилган қора – ола зотли турли вазнда туғилган бузоқларнинг ўсиш ривожланиши ва маҳсулдорлик белгилари” номли номзодлик диссертацияси маълумотларига кўра юқори маҳсулдор сутбоп подалар барпо этишда подани тўлдирувчи бузоқларни туғилгандаги тирик вазнини ҳисобга олиб мақсадга мувофиқ ўстиришни ва 30 килограмм ва ундан юқори тирик вазн билан туғилган бузоқларни алохида гуруҳларга ажратиб, тўла қийматли озиқлантириш ва яхши асраш шароитларида ўстиришни ташкил этиш зарурлигини таклиф қилади.

Сут ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бузоқларни боқиш, ғунажинларни сут бериш даврига тайёрлаш, уқалаш ёрдамида елинни ривожланишига таъсир қилиш ва биринчи сут бериш даврида сигирлар сутини кўпайтириш (раздой) сут маҳсулдорлигини оширишнинг асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда биринчи туққан сигирларни сут маҳсулдорлигини ошириш учун сиқилган ҳаво қурилмасидан (пневмоуқалагичлардан) фойдаланиб, ғунажинларни елини массаж қилинмоқда ва бу борада қуйидаги тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар. М.И.Самарцев,

К.Мадаминов, А.Ахмедов, 1989, Х.А.Абдурашидов, 1989, А.Ж.Холматов, 1994 ва бошқалар. Тадқиқотчилар фикрича, ғунажинлар елинини уқалаш келгуси маҳсулдорлигига яхши таъсир кўрсатади. Натижада сут безлари яхши ривожланади, елиннинг чекка қон томирларига ёппасига умумий таъсир кўрсатади. Елиннинг таянч тўқималарини мустаҳкамлашга ёрдам беради, қон айланишини яхшилайти ва кўп сут олиш имконияти яратилади.

Республикаимизнинг донгдор сут соғувчилари меҳнат қаҳрамони ва Давлат мукофоти лауреатлари А.И.Чудная, М.Исоқова ва бошқаларнинг фикрича (1986 й.), сут соғиш аппаратида соғиладиган елинни ювгандан кейин албатта уқалаш ва массаж қилиш шарт, у сут келишини тезлаштиради ҳамда сигир сутини охиригача беради. Кунига икки марта соғилиб, 10-12 килограмм сут берувчи биринчи марта тукқан сигирлар ҳар минутда 1-1,2 килограмм сут берса, нормал ҳисобланади.

А.Ж.Холматов биринчи туғишдаги кунига 2-3 марта соғиладиган сигирлар елинининг хусусиятлари (1994 й.) номли мақоласи маълумотларига кўра, биринчи туғишдаги сигирларни 3 ойгача 3 маҳал қўлда соғиш, юқори сут маҳсулдорлигини беради ва улар елини ривожланиши, яхши натижа кўрсатади.

Аширов М.И. – Қора-ола ва голштинофриз зот сигирлардан олинган дурагай ғунажинларни подани қайта тиклашдаги қобилияти (1994 й.) номли мақоласи маълумотларига кўра, соф зотли қора-ола зотли сигирларни, голштинофриз зотли буқалар билан чатиштириб, олинган биринчи бўғин дурагай ғунажинларни хўжалик ва биологик белгилари ўрганилган. Подани қайта тиклашдаги қобилияти бўйича дурагай сигирлар ижобий кўрсаткичларга эга бўлиб, қочириш индекси 1,43 ва биринчи марта туғишдаги ёши 26 ой 22 кунни ташкил этган. Шунингдек, биринчи марта қочириб оталанганда, дурагайларда тирик вазни 354,2 кг ни ташкил этиб, ўз тенгдошларига нисбатан 13,1 кг ортиқ, биринчи марта қочиришдаги оталаниш даражаси, дурагайларда 69,5 фоизни ёки ўз тенгдошларига нисбатан 3 фоиз юқори бўлганлиги кузатилган.

Мақсудов И.М. рационда турли миқдорда ем билан ўстирилган биринчи туғиш сигирларни сут маҳсулдорлиги (1992 й.) мақоласи маълумотларига кўра:

I – гуруҳ рациондаги кучли озиқалар миқдори 20%;

II – гуруҳ рациондаги кучли озиқалар миқдори 15%;

III – гуруҳ рациондаги кучли озиқалар миқдори 30% ;

IV – гуруҳ рациондаги кучли озиқалар миқдори 40%.

Рациондаги концентрат озиқалар миқдорини ошириб, подани қайта тўлдириш учун мўлжалланган таначаларни ўсиши, ривожланиши ва сут маҳсулдорлигини ўрганган. Тажриба кучли озиқалар миқдори ҳар хил турда бўлган рационлар билан подани қайта тўлдириш учун мўлжалланган урғочи таналарни ўстириш, фақат уларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига таъсир қилиб қолмасдан, балки биринчи туғишда уларни сут маҳсулдорлигини оширади, ҳамда рацион таркибида турли нисбатда 30-40% ем бўлиши ўстирилган сигирларни тирик вазни юқори бўлиши кузатилади.

Карибаев Н.К., Мадаминов К. Ҳар хил ирсий омилга эга ғунажинларни туғишга тайёрлашнинг, уларни келажак сут маҳсулдорлигига таъсири (1992 й.) мақоласи маълумотларига кўра, ғунажинларни бўғозлигининг иккинчи давридан туғишга тайёргарликдан ўтганлари маҳсулдорлиги, тайёргарликдан ўтмаган тенгқурларига нисбатан сермахсуллиги билан ажралиб туради. Пневмоуқалагичлар сут безлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, сут ҳосил бўлиши ва ажралиш жараёнини тезлаштиради. Шундай қилиб, ғунажинларни туғишга тайёрлаш ва уларни келиб чиқишига қараб баҳолаш, келгуси сут маҳсулдорлигини 850-1600 кг га ошириш имконини беради.

Носиров У.Н., Усмонов О., Мирахмедов М. – “Фермер бўламан” (2002 й.) ўқув қўлланмаси маълумотларига кўра, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда сутни кўпайтириш тадбирларидан бири уни серсут қилишдир. Бу сигирларни келгусида юқори маҳсулдор бўлишига имкон яратади. Сигирлар туғруқхонадан чиққандан сўнг, улар молхонада алоҳида боғланади. Сув ва ош тузи уларга етарлича берилади. Сўнгга ҳар бир

сигирга меъёрдагидан зиёд қўшимча 2-2,5 кг озуқа бирлиги (ем сифатли беда пичани, хашаки лавлаги) қўшиб берилади. Серсут қилиш 90 кун давом этади.

Агар серсут қилиш давомида сигир ўз маҳсулдорлигини 5 кун ичида қўшимча озуқа бирлиги олаётган ҳолда кўпайтирмаса, унда аввалги озиқлантириш меъёри қолдирилади, агар кўпайтирса, у ҳолда яна қўшимча озуқа бирлиги қўшиб берилаверади. Серсут қилишда ҳар бир сигир учун маҳсулот алоҳида ҳисобга олиниб, кунлик рационлар тузилади.

Фермер хўжаликларида сигирларни умуман 4-5 марта озиқлантириш яхши натижа беради. Озуқалар, айниқса, қиш пайтларида майдаланиб, аралаштирилиб берилиши лозим.

Серсут қилиш даврида маҳсулдор сигирларни бир кунда 3 марта қолганларини 2 марта соғиш тавсия этилади. Сигирни туққандан то сутдан чиқарилгунга қадар бир соғувчининг соғиши сигирлардан кўп сут соғиб олиш имконини беради.

К.Мадаминов (1993) маълумотларига кўра, биринчи туғиш ёшидаги ғунажинларни елинини массаж қилиш, сут соғиш машинасида соғишга ўргатиш, якка ҳолда омухта ем билан озиқлантириш ва серсут қилиш сигирларни елин без тўқималарини яхши шаклланишига, соғиш миқдорини ортишига, сут ажратиш тезлигини юқори бўлишига ва машинада соғишга яроқлилиқ даражасини оширишга ёрдам беради. Биринчи сут бериш давридаги сигирлар сут маҳсулдорлиги 15-20% га ошади ҳамда подада сермахсул ҳайвонлардан самарали фойдаланиш даври оширилади.

Келтирилган адабиётларни ва тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб умумлаштирадиган бўлсак, моллар организми даврлар бўйича ўсади ва ривожланади. Маълумки, ўсиш ва ривожланиш ҳақидаги таълимотнинг даврийлиги қорамолларни йўналтирилган мақсадли боқишнинг услубий асоси ҳисобланади. Моллар ҳаётининг улар ривожланиши маълум даврида озиқлантириш ва сақлаш шароитини ўзгартириб, маълум йўналишдаги маҳсулдорликка йўналтириш мумкин. Демак, подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни боқишни жадаллаштириш, улар организми

шаклланишига таъсир кўрсатиш моллар маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Шундай қилиб, келтирилган манбалардан кўриниб турибдики, подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни боқишни жадаллаштириш подани тиклашни ва таналарни эрта қочириш (14-15 ойда) мумкинлигини исботлайди. Сут йўналишидаги қорамолчиликда ҳайвонлардан қайси ёшигача фойдаланишни билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки сигирларнинг лактация сонига қараб сут миқдори ва унинг таркиби ўзгариб туради.

1.2. Сигирлар сут маҳсулдорлигини ёшига боғлиқлиги.

Сигирлар сут маҳсулдорлиги ва сутдорликни лактациялар бўйлаб ўзгаришига молнинг зоти, иқлим шароити, йил фасллар ва туғиш фасли сингари омилларнинг таъсирини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар билан танишиб чиқдик. Бу ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу масала чет эллик олимлар Россия ва Ўзбекистонлик изланувчиларнинг ҳам диққат эътиборини ўзига тортган.

М.М.Аширов (1993) фикрича, сигирларнинг туғиш фаслини уларнинг сут маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки бу ҳол моллар маҳсулдорлигини оширишда уларнинг туғишини энг мақбул фаслларга режалаштириш имконини беради ва соҳанинг самарадорлигини оширишда катта имкон бўлиб хизмат қилади. Бунда келиб чиқишидан қатъий назар кўпчилик сигирлар қиш ва баҳор ойларида туққанда уларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда голштинлаштитрилган буқалардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши кузатилган.

М.М.Аширов (1993) маълумотларига кўра, сигирларнинг биринчи туғишдаги ёшини сут маҳсулдорлигига таъсирини келиб чиқишидан қатъий назар молларни жадал суръатларда ўстириш ва уларни имкони борича эрта, яъни 2 ёшида асосий подага киритиш унинг сут маҳсулдорлигига салбий таъсир этмаслигини кўрсатади ва айниқса, бу ҳол катта 3 ва ундан юқори

ёшларда асосий подага киритилган оналарнинг маҳсулдорлигидан ҳам юқори маҳсулдорликка эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Ш.А.Акмалхонов, Бала эл Хасан, А.Г.Авезов (1993) маълумотларига кўра, Қора-ола молларни такомиллаштиришда зебу буқалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса олинган авлодларнинг сут сифатини яхшиламоқда, сут тўйимлилигини юқори бўлишида ҳамда юқори генетик имкониятларга эга бўлиши билан ажралиб туради.

М.М.Аширов (1993) ўз тадқиқотларида жуфтлаш усулларининг сигирлар сут маҳсулдорлигига таъсири бўйича иш олиб борган. Тадқиқотлар 2 хил ўхшаш белгилари бўйича жуфтлаш усулларида фойдаланган.

Бундай жуфтлаш, айниқса дуагай сигирларнинг, яъни Қора-ола зотли сигирларни Голштин зотли буқалар билан чатиштирилганда олинган 1-буғин сигирларнинг сут маҳсулдорлигига сезиларли даражада ижобий таъсир этади.

Дурагай сигирларнинг сут миқдори соф зотли тенгқурларига нисбатан 13 кг сут, сут ёғ чиқими миқдори 3,8 кг, сутдорлик кўрсаткичи 21 кг, 4% ли сут миқдори 96 кг кўп бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўхшаш белгилари бўйича сигирларни жуфтлаш, улар авлодларида айрим селекция белгиларини яхши ўтказиш имконини беради.

Сут йўналишидаги қорамолчиликда ҳайвонлардан қайси ёшигача фойдаланишни билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки сигирларнинг лактация сонига қараб сут миқдори ва унинг таркиби ўзгариб туради.

Сут маҳсулдорлигини сигирларнинг ёшига боғлиқлигини кўпчилик илмий изланувчилар ўрганганлар. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, турли зотга мансуб энг юқори сигирлар энг юқори сут маҳсулотини айрим лактацияда эмас, балки маълум бир ёшида берадилар.

Сигирлар сут маҳсулдорлигини ёшига қараб ўзгаришини уларнинг зотига, бузоқларини сақлаш шароитига, биринчи қочириш ёшига, асраш ва озиқлантириш шароитига, серсут қилишга (раздой) ва маҳсулдорлик йўналишига боғлиқ бўлади.

Ҳайвон организмнинг ўсиб-ривожланиши билан уларнинг сут маҳсулдорлиги ошиб боради ва маълум бир ёшга етгандан сўнг организм кариши билан сут маҳсулдорлиги ҳам аста-секин пасайиб боради.

Адабиётлардан маълум бўлишича, сут маҳсулдорлиги ва ёғлилик даражаси 1-лактациядан бошлаб маълум бир ёшгача ошиб боради ва кейин аста-секин пасайиб боради. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрича сут маҳсулдорлигини тушиши ва ёғ миқдорининг камайиши сигирларнинг IV-туғишидан сўнг кузатилади.

Н.Ф.Пипко фикрига кўра, Қора-ола сигирларнинг энг юқори сут маҳсулдорлиги уларнинг III-лактациясида кузатилади.

С.Г.Давидов, Д.В.Елпатьевский ва бошқаларнинг таъкидлашича, Ярослав, Холмогор, Бестужев каби зотларнинг энг юқори сут маҳсулдорлиги IV-лактациясида кузатилди.

Е.А.Навыковнинг илмий изланиш натижаларига кўра, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини уларнинг туғиш маҳсулдорлигини уларнинг туғиш сонига қараб эмас, балки ёшига қараб баҳолаш керак. Муаллиф фикрича, кўпчилик сут йўналишидаги зотларда лактация даври энг юқори соғин улар ҳаётининг 7-8 ёшига туғри келади ва бу даврда улар физиологик етилган ҳамда сут безлари тўлиқ шаклланган бўлади. унинг фикрича, тез етилувчан зотларда энг юқори соғин уларнинг 6 ёшида (IV-лактациясида), кеч етилувчан зотларда энг юқори соғин 7-8 ёшида (V-VI лактациясида) кузатилади.

Р.Ҳ.Ҳамроқулов маълумотларига кўра, иссиқ иқлим шароитида урчитилаётган Қора-ола зотли қорамолларнинг энг юқори сут маҳсулдорлиги IV-лактациясига тўғри келади. Бу эса уларнинг иссиқ иқлим шароитида тез етилувчанлиги билан характерланади.

Н.И.Солдатиновнинг иссиқ иқлим шароитида Қора-ола зотли қорамолларнинг сут маҳсулдорлигини ёши бўйича ўзгаришига бағишланган илмий изланишларида маълум бўлишича, энг юқори соғин сигирларнинг 5,5-

6 ёшигача (IV-лактациясида) тўғри келган. Бешинчи лактациядан бошлаб аста-секин пасайиб борган.

Н.С.Калышкин маълумотларига кўра, энг юқори соғин Олатов зотли сигирлар V-VI туғишда кузатилади. Муаллиф фикрича, энг яхши Олатов ва Кострома зотли сигирлар подасида 64-74% қорамоллар III-IV лактациясида энг юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлади.

Л.А.Пархоменко илмий тадқиқотлари давомида олинган маълумотларига кўра (1242 бош) сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ёш ортиши билан ошиб бориши кузатилган.

Э.Ю.Карчевский (1986) “Чиноз” наслчилик заводи ва “Политотдел” жамоа хўжаликларида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Чиноз наслчилик заводидаги сигирларнинг энг юқори сут маҳсулдорлиги VI-лактациясида кузатилган.

В.Л.Хусаинованинг (1994) фикрича турли ёшдаги сигирларни куйиқиш даврида сут маҳсулдорлигини ўзгаришни ўрганиш давомида олинган маълумотларига кўра, айрим вақтда сигирларни берадиган сути, жинсий мойиллик давридан кейин ошади. Бу даврда сут миқдорини ўзгариши турли ёшдаги сигирларда турлича бўлади. сут миқдорининг кескин камайиши ёш, биринчи туққан сигирларда кузатилади. Катта ёшдаги сигирлардан олинган сут миқдори эса камроқ ўзгариб боради.

Биринчи туққан сигирлардан жинсий мойиллик даврида 7 кун мобайнида 15,6 кг (162,5 %) сут олинмаган. Катта ёшдаги сигирлардан ўртача олинмаган сут миқдори 7,24 кг (70,9 %) ни ташкил қилган.

Демак, 100 бош биринчи туққан сигир ўз вақтида уруғланмаса, улардан 7 кунда 1560 кг сут, катта ёшдаги 100 бош сигирдан 924 кг сут олинмайди. Шундай қилиб, ёш сигирлардан олинмаган сут миқдори катта ёшдаги сигирларга қараганда анча кўп бўлиши аниқланган.

Э.Ю.Карчевский (1987) сигирлардан узоқ фойдаланиш муддатини билиш мақсадида “Чиноз” наслчилик хўжалигида 47 бош сигирни таҳлил

қилиш натижаларига кўра, бир хил сақлаш ва озиқлантириш шароитида 1 дан 8 туккангача бўлган сигирлар танланган.

Олинган маълумотларга кўра, узоқ муддатга фойдаланувчи сигирлар ўзининг энг юқори маҳсулдорлигига VI- лактациясига тўғри келади. Шуни таъкидлаш керакки, 47 бош кузатувдаги сигирларнинг 10 ёки 21 % қорамоллар энг юқори сут маҳсулдорлигига VI-X лактацияларида эришганлар.

Э.Ю.Карчевский (1987) олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, иссиқ иқлим шароитида подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни яхши боқмаслик, кеч қочириш, уларнинг сут маҳсулдорлигига таъсир қилади. Швиц ва Бушуев зотли қорамолларда сут маҳсулдорлигининг ошиши VI- лактациясида кузатилади.

Н.Г.Дмитриев, Ю.В.Бойков, Н.З.Басовский, Ж.Г.Лосинов, П.Н.Прохоренколарни (1985) таъкидлашларича, қорамолларни линиялар бўйича урчитиш ва жуфтлашда голштин қорамолларидан фойдаланиб, Қора-ола зот сигирларни яхшилаш режалаштирилган, уларнинг 12 та запас типи тузилган ва ушбу тажриба Америка селекцияси асосида ташкил қилиниб, Қора-ола зотли сигирлардан 500 кг кўп сут соғиб олинганлиги таъкидланган.

В.И. Стрекозов, М.А. Эремина (1987)ларнинг “Хар хил генотипга мансуб Қора-ола зотли молларни сутини ва ёгини таркибини ўзгариши” мавзусида илмий тажрибалари хулосасида таъкидлашича, охириги йилларда Қора-ола зотли молларни Москва типини тузишда Голштин зотлардан фойдаланилмоқда. Ҳозир ушбу вилоятда 44 минг бузоқ бор. Шундан Голштин ҳиссаси 50% ни ташкил қилади.

Э.Ю.Карчевский (1984) маълумотига кўра, республикамизга четдан келтирилган ва режалаштирилган зотлар ичида Қора-ола зотли қорамоллар сут маҳсулдорлиги бўйича 1-ўринни эгаллайди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, Қора-ола зотли сигирлар республикада режалаштирилган зотлар ичида сут маҳсулдорлиги бўйича юқори кўрсаткичга эга эканлигидан далолат беради.

М.Ашировнинг (1993) илмий изланиш натижаларига кўра, сигирларнинг сут маҳсулдорлигига бошқа омиллар қаторида уларнинг туғишдаги йил фасллари ҳам таъсир этиши кузатилади. Тадқиқот натижаларини кўрсатишича, Қора-ола зотли сигирлар I-лактацияда баҳор фаслида тукқанда сут миқдори қишда тукқан тенгқурлариникидан 27 кг, ёздагиларникидан 204 кг ва куздагиларникидан 314 кг юқори бўлган. Бунда келиб чиқишидан қатъий назар, аксарият сигирлар қиш ва баҳор фаслларида

1-жадвал

Ўзбекистонда режалаштирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги (Э.Ю.Карчевский маълумотига кўра)

Зотлар	Кўрсаткичлар	Сигирлар туғиш сони		
		I	II	III
Қора-ола	Сут, кг	2718	2983	3216
	Ёғ, %	3,69	3,69	3,72
	Сут ёғи, кг	100,1	110,1	120
Қизил чўл	Сут, кг	2100	2115	2578
	Ёғ, %	3,76	3,76	3,79
	Сут ёғи, кг	79	91	98
Швиц	Сут, кг	2160	2457	2166
	Ёғ, %	3,82	3,85	3,85
	Сут ёғи, кг	83	95	95
Бушуев	Сут, кг	2007	2252	2438
	Ёғ, %	4,9	3,93	3,97
	Сут ёғи, кг	79	89	97

тукқанда уларнинг сут маҳсулдорлиги юқори бўлиши қайд этилди. Сигирлар туғиши ушбу фаслларда кузатилганда, уларнинг лактациясининг асосий қисми тўйимли ва сут ҳосил бўлишини кучайтирувчи кўк озуқаларни истеъмол қилиш даврига тўғри келиб, бу эса улар маҳсулдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

А.М.Ашировнинг (1993) олиб борган тадқиқотларида маълум бўлишича, келиб чиқишидан қатъий назар, молларни жадал суръатда

ўстириш ва уларни имкони бориша эрта, яъни 2 ёшида асосий подага киритиш уларнинг сут маҳсулдорлигига салбий таъсир этмаслигини кўрсатди ва аксинча, бу ҳол ҳатто 3 ва ундан юқори ёшларда асосий подага киритилган сигирлар маҳсулдорлигидан ҳам юқори маҳсулдорликка эришиш мумкинлигидан далолат беради. Бу эса подани тўлдирувчи бузоқларни жадал ўстириш ва уларни қочиришда асосий белгиси тирик вазни бўлиши ва бу кўрсаткич урчитилаётган зотнинг етук ёшли сигирлар вазнининг 65-70% дан кам бўлмаган кўрсаткичга эга бўлгандагина ташкил этиш зарурлигини, бунда уларни асосий подага 2 ёшида киритиш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Келтирилган адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, кўпчилик изланувчилар шундай фикрга келишганки, сут йўналишидаги қорамолчиликда энг юқори сут маҳсулдорлигига сигирларни 6-9 ёшида эришиши мумкин. Ундан ташқари сигирларни сут маҳсулдорлигига ҳайвоннинг келиб-чиқиши, ёши маҳсулот йўналиши, маҳсулдорлиги, сақлаш ва озиқлантириш шароити, йилнинг мавсумлари, туғиш сони ва ҳақозолар таъсир этиши мумкин.

1.3. Сигирларнинг асосий хўжалик фойдали белгиларининг авлоддан - авлодга ўтиши ва унинг аҳамияти.

Қорамолчиликда селекция наслчилик ишларини ташкил этишда асосий хўжалик фойдали белгиларнинг авлоддан-авлодга ўтишни ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштириш юқори маҳсулдор подалар яратишда ва зотни такомиллаштириш суръатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, молларнинг асосий селекция белгилари Уларнинг аجدодлари кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, жуфтлашни ташкил этишдан олдин бу белгилар буйича танлаш ишларини амалга ошириш муҳимдир.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқлиқни Н.Ф.Лось (1990) тадқиқотларида ўз исботини топган. Масалан, муаллифнинг ёзишича, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги уларнинг оналари сут маҳсулдорлиги билан

генетик корреляция, яъни ўзаро боғланувчанлик коэффиценти ижобий бўлиб, у 0,185 дан 0,659 га қадар бўлган, сутнинг ёғлилиги буйича ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган.

Н.Э.Бикташев (1990) тадқиқотларида ҳам сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан уларнинг оналари маҳсулдорлиги ўртасида узвий ўзаро боғлиқлик мавжудлиги ва асосий хўжалик фойдали белгиларни авлодга ўтиши тасдиқланган, Бу эса танлаш ва жуфтлаш ишларини мақсадли равишда танлаш ва жуфтлаш ишларини максимал равишда ташкил этишни тақозо этади.

Маҳсулдорлик белгиларининг наслдан-наслга ўтиш коэффицетини ошириш буйича селекция ишларини олиб бориш подаларни генетик жиҳатдан такомиллаштириш суръатини ошириш имконини беради.

Ш.А.Акмалхонов, А.М.Мустафаев (1977) маълумотларига қараганда бушуев зотли сигирларнинг ёшининг улғайиши билан белгиларни авлоддан-авлодга ўтиш коэффиценти ҳам оша борган. Масалан, сигирларнинг I соғин даврида сут маҳсулдорлиги бўйича наслдан-наслга ўтиш коэффиценти 0,11-0,13 бўлган бўлса, III соғин даврида у 0,18-0,23, ўртача 3 та соғин даври бўйича эса 0,27 - 0,38 % га баробар бўлиш.

Сутнинг ёғлилиги бўйича ушбу коэффицент I соғин даврида 28-31%, III соғин даврида 26-27% ва ўртача уч соғин даври бўйича 39-47% ташкил этган.

Б.У. Хидиров (1993) тадқиқотларида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан уларнинг оналарининг маҳсулдорлиги ўртасида ўрта даражадаги ўзаро боғланувчанлик коэффиценти аниқланган бу эса авлоднинг- сут маҳсулдорлиги билан ўзаро боғлиқдигидан далолат беради.

Н.Г.Букаров, Ю.П.Фомичёв, Н.И.Стрекозов ва бошқаларнинг (1999) тадқиқотларида ҳам сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан оналарининг сут маҳсулдорлиги ўртасида ижобий (0,219-0,473) ўзаро боғланувчанликни аниқлаганлар. бу эса уларнинг маҳсулдорлигига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Х.Ғ.Саломов (1998) маълумотларига қараганда, сигирларнинг сут миқдори бўйича наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,422-0,477, сут ёғи чиқими бўйича 0,277-0,329 га баробар бўлган, яъни сигирларнинг сут маҳсулдорлиги оналариининг маҳсулдорлигига боғлиқ эканлиги аниқланган.

С.А.Рузский (1977), Б.П.Завертяев (1979) тадқиқотларида сут миқдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,04-0,60, ёғлилиги бўйича 0,17 0,60, оқсилнинг коэффициенти эса 0,60 га баробарлиги аниқланган.

В.Л.Козальский (1980) маълумотларига қараганда, сигирларнинг соғин даврида сут миқдорини доимийлигининг наслдан-наслга утишини ўрғаииб. сигирларни насл негизига ва наслдор букалар етиштирувчи гуруҳларга танлаганда соғин давридаги сут миқдорининг доимийлигига эътибор бериш лозим,

У.А.Норинов (1995) сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан оналарининг сут маҳсулдорлиги ўртасида (0,06-0,200) ва уларнинг сутининг ёғлилиги (0,124) ҳамда сут ёғининг чиқими ўртасида ижобий (0,200-0,244) ўзаро боғланувчанликни аниқлаган.

Муаллифнинг тадқиқотларида сут маҳсулдорлигининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,072 сутининг ёғлилиги 1-248 ва сут ва еут ёғининг чиқими бўйича бу коэффициент 0,400-0 488 га баробар эканлиги аниқланган.

Л.С.Жебровский, А.Д.Коисаренко, В.Е.Митклько (1980) маълумотларига қараганда, сут миқдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,3-0,8 сутининг ёғлилиги бўшча 0,1-0,8 га баробар бўлган.

А.М.Мустафасв, Н.М.Расулев, А.Есбаев (1974) тадқиқотларининг кўрсаташича, бушуев зотли сигирларда сут миқдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти сутнинг ёғлилиги бўйича эса 0,28-0,31 га тенг бўлган.

Э.Ю.Карчевский (1989) тадқиқотларида Ўзбекистоннинг Чиноз, Малик, Қизил шалола, Политотдел. Ўзбекистон 50 йиллиги каби етакчи наслчилик заводлари ва хўжаликларида скгирларпийи сут миқдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,0252-0,538, сутнинг ёғлилиги бўйича 0,039-0,550. тирик вазн бўйича 0,130-0,412 ни ташкил этган.

Паст кўрсаткичга эга наслдаи-наслга уташ коэффиценти сигирларнинг оталари шажараси бўйича, юқори коэффицент эса онаяари маҳсулдорлиги бўйича танлацг икшарии амалга ошириш яхиш натижа беришидан далолат беради.

Муаллифинг тадқиқотлари натижалариЕшнг кўрсатишича, сигирларнинг елин шакли уларнинг оналаринининг елин шаклига куп холларда боғлиқ эмаслигини кутилди. Жумладаи, 6 % сигирларда онапарининг елин шаклидан қатъий иазар, косасимон шаклли елинлар шаклланган. Косасимон шаклга эга сигирларнинг 74 % қизларида ҳам косасимон. думалоқ шаклли слинга эга сигирларнинг эса 90% қизларида косасимон елинлар учраган.

Сигирлариинг сут бериш тезлигиниинг наслдан-наслга ўтиш коэффиценти 0,4-1.0 елин индексининг ушбу коэффидиенти эса 0962 га баробар бўлган. яъни бу белгилар асосан оналарининг ушбу кўрсаткичига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлганлигидан далолот беради.

Ю.П.Тимофеев, Л.Б.Котлов (1986) тадқиқотларида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги қора-ола зотли сигирларни соф зотли урчитишга нисбатан уларни голиштин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришда улариинг маҳсулдорлиги оналариинг маҳсулдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги аниқланган. Бу голштинлаштириш ташкил этилаётган хўжаликларда чатиигшриш учун танланган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига катта зътибор бериш лозим эканлигидан далолат беради.

Л.Ю.Овчинникова, Е.И.Олейник (1980) маълумотиға кўра, рекордчи сигирларнинг асосий селекция белгилариминг наслдан-наслга ўтиш коэффиценти паст (0,07-0,14) бўлган.

Н.П.Кочеткова (1986) фикрича, юқори маҳсулдор сигирларниинг фойдали хўжалик белпзларини авлодларида мустаҳкамлашнинг муҳим усулларядан бири уларнинг ўгиллари ва иевараларидан иаслчилик ишида самарали фойдаланишдир. Бунда юқори маҳсулдор сигирларнинг ирсий

белгиларини мазкур зот молларида мустаҳкамлаш бу тадбир зотни такомиллашгирш суръатяни ошириш имкониятига кенг йўл очади.

В.И.Власовнинг (1987) ёзилишича, сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг ошиши билан кўп ҳолларда бу белгининг наслдал-наслга ўташ коэффициентлари ҳам оша борган. Лекин, деб ёзади муаллиф, юқори маҳсулдор подалар яратишда энг муҳим масалалардан бири бузоқяarning мақсадга мувофиқ зотнинг андоза талабларидан юқори даражада ўстириш ва биринчи марта туккан сигирларни маҳсулдорлиги бўйича танлаш ҳамда баҳолаш масалалари ўзининг ижобий ечимини топмаса, селекционерларнинг барча қилган меҳнати зое кетади.

А.И.Бич, Е.И.Сакса (1987) тадқиқотларида қора-ола зотли сигирлар гуруҳида жуфтлашда хўжалик фойдали белгилари бўйича бир-бирига ўхшаш наслдор буқалардан фойдаланишдан олинган сигирларнинг сут миқдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,154, сутнинг ёғлиги бўйича 0.227 бўлган. Голштанлаштирилган ва зотдорлиги ҳамда 3/4 бўлган хўжалик фойдали кўрсаткичлари ва насл сифати бўйича турли бўлган наслдор голштин зотли буқалардан олинган сигирларда сут миқдориининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти тегишли равишда 0,668-0,530, сутнинг ёғлилиги бўйича эса, 0,224-0,362 га баробар бўлган.

Муаллифнинг хулосасига кўра, голштин зотли буқалардан чатиштиришда фойдаланиш қора-ола зотли подалардаги қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларини тез суръатларда такомиллаштираш имконини беради.

М.И.Аширов (1994) тадқиқотларида Тошкент вилоятидаги "Қизил шалола" тажриба хўжалигида қора-ола зотли сигирларни голштиин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришдан олинган 1/2 ва 7/8 зотдор- дурагай сигирларда сут миқдори бўйича наслдан-наслга ўтиш коэффициенти: тегишли равишда 0,31-0,34 уларнинг Голштин зотли тенгқурларида 0,32 сутининг ёғликлиги бўйича 0,57-0,65 ва 0,61 ни ташкил этган, Муаллифнинг маълумотларига қараганда "Политотдел", наслчилик заводида голштин зоти

бўйича 1/2 ва 15/16 зотдорликдаги сигирларида сут микдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти тегишли равишда 0.28-0,36. сутининг ёғлилиги бўйича 0,61-0.68, соф кора-ола зотли сигирларда эса 0,33-0,66 га баробар бўлган. Бу маълумотлар ушбу хўжалик фойдали белгиларни молларнинг фенотапи бўйича танлаш юқори самара беришдан далолат беради.

Л.С.Жебровский (1987) хулосасида сутдор қорамоллар подалардаги сигирлариинг сут маҳсулотлигини оширишда ва зотни такомиллаштиришда асосий хўжалик фойдали белгиларнинг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти билан бирга молларнинг ўз маҳсулдорлиги бўйича танлаш ҳамда селекция иши самарасини ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотларнинг натажаларини тахдиди шуни кўрсатадики, сигирларнинг асосий хўжалик фойдали белгилари уларнинг авлодларига берилади, бу эса қорамоллар подаларида селекция-наслчилик ишларини юргизишда уларни аجدодларини маҳсулдорлиги бўйича танлаш ишларини олиб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари подаларда авлодларининг насл сифати бўйича баҳоланган яхшиловчи тоифага эга наслдор буқалардан фойдаланиш ва подани тўлдирувчи бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстириш зотни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. А.В.Филатов, И.М.Волохов, О.В.Лагценко (2004) тадқиқотларида голштин зотли буқалардан олинган дурагай сигирларнинг тирик вазни биринчи лактацияда соф кора-ола зотли Тенгкурлариникидан 8,4-10,1% сутдорлик коэффициенти эса 8,2-14,1 % юқори бўлган.

В.Г.Сарабкин, В.Ф.Зубриянов (2003), И.Л.Суллер (2003) хулосаларига қараганда, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва тирик вазни уларнинг аجدодларининг кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, жаҳон генофондига хос буқалар салоҳиятидан кенг фойдаланиш, зотларни такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шунга ўхшаш хулосалар И.М.Дунин, А.И.Прудов, К.К.Аджибеков, Д.Г.Прохоренко (2003) тадқиқотлари натижаларида ҳам кўзга ташланади.

С.А.Ламанов, С.В.Погодаев (2003) тадқиқотларида голштинлаштирилган бузоқларнинг тирик вазни 18 ойлигида соф зотли тенгқурларникига нисбатан 8,3 кг, улар тукқандан кейин сут маҳсулдорлиги эса 523 кг юқори бўлганлиги кузатилган.

А.Т.Мысик (2005) фикрига кўра, сигирлар маҳсулдорлиги ва тирик вазниини оширишда жаҳон генофондига хос зотларнинг генетик салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва молларни озиклантириш шароитини яхшилаш энг муҳим маҳсулдордан юқори бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқори тирик вазнга эга сигирларни етиштиришда тўла қийматли озиклантириш ва асраш шароитлари билан бирга келиб чиқиши ҳамда бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстириш омиллари муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигини кўплаб тадқиқотлар натижалари кўрсатади. Бу эса юқори маҳсулдор подалар яратишда ушбу омилларга алоҳида эътибор бериш муҳимлигидан далолат беради.

II-БОБ. ХЎЖАЛИК ТАРИХИ

2. 1. “Ш. Мирхамедов” фермер хўжалилига тавсиф.

“Ш. Мирхамедов” фермер хўжалиги 1997 йилда ташкил этилган қорамолчилик соҳасидаги илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Қорамол подаси қора-ола зотли ва унинг голштин чатишма авлодлари асосида шакллантирилган. Наслдор ва зотдор бўлган тана ва ғунажинлар танлаб олинган.

Молларни сақлайдиган бинолар ва технологиялар Исроилнинг “Машав” фирмасининг лойиҳалари бўйича ташкил этилган. Фермер хўжалигида қорамолларни сақлаш учун енгил типдаги бинолар – айвон ва очик майдончалар қурилган. Сигирлар махсус хона ёки бинода “Арча” русумли соғиш қурилмаларида соғилади. Молларни озиқлантириш, суғориш ҳамда бино ва майдончаларни гўнган тозалаш ишлари механизмлар ёрдамида амалга оширилади.

Фермер хўжалигига 30 гектар суғориладиган ер майдони берилган. 2006 йил фермер хўжалиги тендерда қатнашиб яна 34 гектар ер майдони кўшиб олишга эришган. Хўжаликда молларни озиқлантириш рационини ширали ва кўк ўт (50-55 %), беда пичани ва буғдой сомони (20-25 %) ҳамда концентрат (30-35 %) озиқалар ташкил қилади. Молларни озиқлантириш норма ва рационлари уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари ва сут соғимига асосланган.

Хўжаликда сигирларни қочириш ва туғдириш йил давомида ўтказилади. Улар Исроил ва Германиянинг голштин зотли музлатилган буқалар уруғлари билан сунъий уруғлантирилади. Молларни зотдорлиги ва маҳсулдорлигини оширишда “яхшиловчи” буқалар уруғидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Фермер хўжалигида молларни урчитиш ва улар маҳсулдорлигини аниқлаб бориш бўйича зоотехника ва бухгалтерия ҳисоботлари юритилади

ҳамда подадаги ҳар бир сигир тўғрисида маълумотлар компьютерга киритилган.

Сигирлар сут соғимини аниқлашда ҳар ойда бир марта назорат соғими ўтказилади. Кунлик сут соғими аниқланиб компьютерга киритилади. Сигирларни сунъий уруғлантириш техник-осеменатор томонидан олиб борилади (ҳар куйга келганида икки маротаба) ва унинг маълумотлари ҳам ҳисобга олинади. Сигирлар сунъий уруғлантирилгандан сўнг 2 ой мобайнида куйга келмаса, унда бўғозлиги ёки қисирлигини аниқлаш бўйича ректал текшириши ўтказилади. Бўғоз бўлганлари белгиланади, қисирлари эса даволаниб куйлашга келтирилади.

Бўғоз сигирларни сутдан чиқариб дам олишга ажратиш назоратга олинган. Улар тукқанда ҳисобга олинади ва барча маълумотлар компьютерга киритилади.

Биз амалиёт давомида юқорида кўрсатилган усуллар бўйича олиб борилган зоотехника ҳисоботлари ва уларнинг компьютерга киритилган маълумотларидан фойдаландик.

2.2. Фермер хўжалигининг пода таркиби

Ҳар бир хўжаликда унинг табиий-иқтисодий ҳамда ихтисослик йўналишига хос бўлган қорамолчилик подасини оптимал меъёردа шакллантириш ва юритиш чорвачилик маҳсулотларини жадал етиштиришга имконият яратади. Катта шаҳарлар, саноат марказлари ҳамда аҳоли тифиз жойлашган ҳудудларда сут-товар жадал ривожлантириш, уларни ихтисослаштириш, сермахсул зотлардан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради. Хўжаликда моллар бонитировка қилингандан сўнг, сигир ва ғунажинлар наслдорлик ва ишлаб чиқариш гуруҳларига бўлинади. Наслчилик гуруҳидаги ёки наслчилик негизидаги сигир ва урғочи таналар сони подани таъмирлаш ҳамда молларни брак қилиш вазифасига қараб белгиланади. Поданинг оддий ишлаб чиқаришида, яъни январнинг биринчи

кунларида моллар сони бирдек турғун турса, наслчилик гуруҳига подадаги сигирларнинг 50-60 фоизи, кенгайтирилган ишлаб чиқаришида эса 70 фоизи ўтказилади. Хўжаликда подани ташкил қилишнинг асосий факторларидан бири пода структураси ва уни тўғри ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Пода структураси ёки тузилиши деганда, хўжалик ва фермерлардаги молларнинг жинси ва ёши бўйича гуруҳларининг фоиз ҳисобидаги нисбати тушунилиб, қуйидаги гуруҳларга ажратилади: наслдор буқа, сигирлар, ғунажинлар, бир ёшдан катта урғочи таналар, бир ёшгача бўлган урғочи таналар, бир ёшдан катта буқачалар ва бир ёшгача бўлган буқачалар. Шунингдек, молларнинг яйловда семиртириш ва боғлаб бўрдоқлаш гуруҳлари ҳам бўлиши мумкин. Подадаги моллар жинси ва ёши бўйича гуруҳларининг нисбати йил давомида ўзгариб туради. Чунки бузоқларнинг туғилиши, молларнинг бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтказилиши ва брак қилиб, гўштга топшириш ўз таъсирини кўрсатади.

Пода структураси йил бошланишида аниқланади. Бунда қорамолларнинг маҳсулдорлик йўналиши, хўжаликнинг наслдорлик категорияси ёки товарлик хусусияти, минтақанинг табиий-иқтисодий ва хўжаликнинг аниқ ўзига хос шароитлари ҳисобга олинади. Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёш молларни парваришlash, гўштга топшириш ва сигирларни брак қилиш топшириқларига эътибор берилади. Мол сонини кўпайтириш, сут ва гўшт ишлаб чиқариш жадаллиги хўжаликда қабул қилинган пода тузилишига боғлиқ.

Сут йўналишидаги қорамолчилик пода таркибида сигирлар салмоғининг ошиши бузоқ олиш ва сут ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Ёш моллар ва айниқса, эркак моллар подадан ёшлигидаёқ ажратилиб, бошқа хўжаликга ёки гўштга топширилиши, уларнинг подадаги салмоғини кескин қисқартиради. Жумладан, сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган товар хўжаликларда эркак бузоқлар ва қисман урғочи бузоқларни бошқа хўжаликларга сотиш натижасида подадаги сигирлар салмоғи 60-65 фоизни ташкил қилиши мумкин. Айрим хўжаликларда бузоқларнинг бошқа

ихтисослашган корхоналарга топшириш подадаги сигирлар салмоғини 80-85 фоизгача кўтаради. Бундай хўжаликларда сут ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортади.

Нодавлат хўжаликлари – фермерлар сут йўналишининг жадаллаштирилган услубида ихтисослаштирилса, пода таркибидаги сигирлар салмоғи 60-65 фоизгача кўтарилиши мумкин. Лекин бузоқларни бошқа хўжаликларга сотиш эвазига подадаги сигирлар салмоғини 80-85 фоизга кўтариш тавсия этилмайди. Чунки подани кенгайтириш, маҳсулдор урғочи тана ва ғунажинлар билан таъмирлаш ва сигирлар маҳсулдорлигини кўтаришда қатор қийинчиликлар туғилади. Ҳар бир фермер подани ўзида етиштирган урғочи тана ва ғунажинлар билан тўлдиришга ҳаракат қилиши керак.

Қорамолчилик чуқур ихтисослаштирилганда хўжаликлар мухсус ишлаб чиқариш йўналишида ихтисослашади. Жумладан, бир гуруҳ хўжаликлар сут ишлаб чиқаришга, бошқа гуруҳлари гўшт ишлаб чиқаришга ва учинчи гуруҳдагилари урғочи бузоқ, тана ва ғунажинларни парвариш қилишга. Охирги гуруҳдаги корхона ёки фермерлар бошқа хўжаликлардан урғочи бузоқларни 15-20 кунлигида ёки 2-3 ойлигида сотиб олиб, уларни яхши сақлаш ва юқори меъёردаги озиклантириш шароитларида 24 ойлигигача парвариш қилиб, қочирилгач яна уларни эгаларига сотиши мумкин. Эрақ молларни боқишга ихтисослашган хўжалик ёки фермерлар уларни 15-20 кунлигида ёки ойлигида сотиб олиб, жадал парваришlash ва бўрдоқилаш технологиялари асосида 16-18 ойлигидаёқ 400-450 килограммга етказиб гўштга топширишади.

Поданинг тугалланган циклида ишлайдиган подадаги сигирлар билан биргаликда ёш молларни подани таъмирлаш ва гўштга сотиш мақсадида парвариш қилади. Бу технологияда буқачалар ва брак қилинган ёш моллар жадал боқилиб, 15-18 ойлигида гўштга топширилганда, подадаги сигирлар салмоғи 40-50 фоизни ташкил қилади. Подадаги сигирларни ишлатилиш муддати ва уларни брак қилиш миқдорига қараб, подани таъмирлашга етарли

миқдордаги моллар қолдирилади. Сигирларни ишлатиш муддати қанча қисқа ва брак қилиш даражаси қанча юқори бўлса, таъмирлашга қолдириладиган урғочи бузоқ ва таналарнинг сони шунча кўп бўлади. Фермер товар хўжаликларида сигирларни ҳар йили брак қилиш миқдори 15-18 фоизни ташкил қилади. Яъни, сигирларнинг подада ишлатиш муддати ўртача 6 йилга тўғри келади. Сут ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фермерлар пода ишлаб чиқарилиш жадаллаштирган бўлса, у ҳолда сигирларни брак қилиш миқдори 25 фоизгача етади ва фойдаланиш муддати ўртача 4 йилни ташкил қилади. Бунда кам маҳсул ва қисир сигирлар тездан гўштга топширилиб, ўрни маҳсулдор ғунажинлар билан тўлдириб борилади.

Наслчилик ширкат ва фермер хўжаликларида ҳамда наслчилик заводларидаги сигирлар салмоғи наслдор ёш молларнинг сотилиш муддатига боғлиқ ўзгариб туради. Наслдор буқачалар ва урғочи таналар ёшлигида қанчалик тез сотилса, шунча сигирлар миқдори кўтарилади. Жумладан, наслдор ёш моллар 12 ойлигида сотилса, унда подада 50 фоизгача сигирлар қолдирилади. Поданинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатини жадаллаштиришда таъмирловчи маҳсулдор ёш моллар сонини кўпайтириш ва ҳар йили сигирларнинг 20-25 фоизини маҳсулдор ғунажинлар билан тўлдириш ҳамда уларнинг бир қисмини (кам маҳсул) биринчи лактациясидаёқ подадан чиқариш (сотиш) мақсадга мувофиқдир. Шунда подадаги сермаҳсул сигирлар сақланиб, каммаҳсул бўлганлари биринчи туққан маҳсулдор сигирлар билан алмаштириб борилади.

Пода таркибини белгилашда кичик ёшдаги моллар (бир ёшича, ундан катта урғочи таналар ва ғунажинлар) мўлжалдан кўпроқ сақланади. Чунки касал бўлиб, ўсмай қолганларини брак қилишга тўғри келиши мумкин. Подадаги сигирлар салмоғи 60-65 фоизда мўлжалланганда пода ишлаб чиқариши тўғри ташкил қилиниши учун ҳар 100 бош сигир ҳисобига 15-17 фоиз ғунажин, 18-20 фоиз бир ёшданг катта ва 22-25 фоиз бир ёшгача бўлган урғочи таналар тўғри келиши керак. Сигирлар салмоғи кенгайтирилганда эса,

таъмирлаш гуруҳидан ташқари ёш молларни 12 ойлигида гўштга сотиш мўлжалланади.

Шу боис биз хўжалик подасининг шакллантириш ва уни юритиш ҳолатларини ўрганиб чиқдик.

Фермер хўжалиги пода ишлаб чиқаришининг тугалланмаган циклида фаолият олиб боради. Яъни хўжалик сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, эркак бузоқлар 6 ойлигидан бошлаб бошқа гўшт етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига 100-120 килограмм тирик вазнда сотиб юборилади. Урғочи тана ва ғунажинлар эса хўжаликнинг ўзида парвариш қилиниб, сигирлар подасини таъмирлашда фойдаланилади. Шу боисдан подадаги моллар таркиби турлича нисбий кўрсаткичларда ташкил этилган. Сигирларнинг маҳсулдорлиги кескин пасайганда, улар сурункали қисир қолишида, қаришида ҳамда турли касалликларга чалинганда, улар подадан чиқарилади. Сигирларни подадан чиқариш (брак қилиш) салмоғи ўртача 18-22 фоизни ташкил этади. Фермер хўжалигини пода таркиби тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Жадвал-2.

Фермер хўжалигида қорамол подаси таркиби

Моллар гуруҳи	Бош сони	Салмоғи, %
Наслдор буқалар	-	-
Сигирлар	74	48,4
Ғунажинлар	17	11,1
2 ёшгача бўлган таналар	21	13,7
1 ёшгача бўлган урғочи бузоқ ва тана	28	18,3
2 ёшгача бўлган новвослар	4	2,6
1 ёшгача бўлган эркак бузоқ ва новвос	9	5,9
Жами:	153	100

Фермер хўжалигининг пода юритиш фаолияти тугалланмаган циклда ташкил этилганлиги сабабли унинг технологик ҳолатида сигирлар салмоғи 48,4 фоизни, ғунажинлар 11,1 фоизни, 2 ёшгача бўлган таналар 13,7 фоизни, 1 ёшгача бўлган урғочи бузоқ ва таналар 18,3 фоизни, 2 ёшгача бўлган новвослар 2,6 фоизни ва 1 ёшгача бўлган эркак бузоқ ва новвослар 5,9 фоизни ташкил этган. Эркак бузоқлар бошқа хўжаликларга ва аҳолига сотиб юборилиши туфайли уларнинг салмоғи атиги 8,5 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалигини пода юритишнинг оптимал меъёрида шакллантиришда, подадаги сигирлар салмоғи 50 фоиздан ошганда сут ишлаб чиқариш ва бузоқ олиш миқдори кўпаяди. Ҳар йили сигирларнинг каммахсул ва қисир қолганлари ҳисобидан 25 фоизини брак қилиб, подадан чиқаришда улар ўрнини шу миқдордаги сермахсул бўлган ғунажинлар билан тўлдирилади. Ғунажинлар гуруҳидаги молларни 14 фоиз бўлишида, биринчи туққан сигирлардан 90-100 кунлик соғими бўйича яхшиларида 80 фоизи сигирлар подасига ўтказилса, 15 фоизи нисбатан каммахсуллари бошқа хўжаликларга ёки аҳолига сотилади. Қолганлари гўшт учун сўйилади. Ўрта меъёрида боқилган таналар 18 ойлигидаёқ 300-300 килограммлик вазнида биринчи бор уруғлантирилганда улар 24 ойлигидан (6 ойлик бўғозлигидан бошлаб) ғунажинлар гуруҳига ўтказилади ва улар тирик вазни 400 килограммни ташкил этиши керак. Уларни биринчи туғиш муддати 27-28 ойлигига тўғри келади. Бир ёшгача бўлган урғочи урғочи бузоқ ва таналарнинг подадаги миқдори 21 фоиз ва вазни ўртача 200 килограммни ташкил этиши оптимал ҳисобланади. Ушбу гуруҳдаги ёш молларнинг 14 фоизи яъни зоотехникавий брак қилинган қисми подадан чиқарилади. Эркак бузоқлар 4-6 ойлилига етганига қадар подадан тўлиқ чиқарилади ва бошқа хўжаликларга ёки аҳолига сотилади. Уларнинг 4 ойлигига тўлмагани йилнинг охирида қолдиқ бўлиб қолади.

Ушбу пода юритишда 100 бош сигир ва ғунажинлардан 86 бошдан бузоқ олиш мўлжалланган. Подадан 25 фоиз сигирларни брак қилишда ушбу кўрсаткич 95-96 фоизгача кўтарилиши мумкин. Гўшт учун махсус сўйишда

брак қилинган катта ёшдаги моллардан танланади. Уларнинг ўртача тирик вазни 480 килограммдан тўғри келади. Поданинг ушбу ҳаракатида моллар сони ва таркибини оптимал сақлаб туришга эришилади.

2.3. Озиқа базасининг ҳолати ва озиқалар ҳаражати

Фермер хўжаликларида ем-хашак етиштириш ва молларни озиқлантириш системаларини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Молларни тўла қимматли ва узлуксиз озиқлантириш учун хўжаликларда сифатли озуқалар бўлмоғи лозим. Молларни қиш ва ёз пайтларида ем-хашак билан таъминлаш учун кўп йиллик маданий озуқабоп экинлар экиш кўзда тутилади.

Чорвачиликни самарадорлигини ошириш учун кўп миқдорда ем-хашакни кўпайтириш талаб этилади. Ем-хашак базасини ривожланиши чорва туёғи сонининг кўпайишидан ортиқ бўлиши керак. Шундай қилинган тақдирдагина молларнинг маҳсулдорлигини ошириш мумкин.

Ем-хашак етиштиришни ташкил этиш хўжаликнинг конкрет шарт-шароитига, озуқабоп ўсимликларнинг ҳосилдорлигига, бир гектар ердан олинадиган озиқ бирлиги ва протеиннинг миқдорига, ундаги озиқаларнинг таннархига ва бошқаларга боғлиқдир. Ёзда сигирлар маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шarti юқори сифатли ва кўп йиллик маданий яйловлар ташкил этишдир. Яйловлар етишмаса, молларнинг кўкат озуқаларга бўлган эҳтиёжи кўк конвейр ташкил этиш йўли билан қондирилади. Хўжаликларда ем-хашак етиштиришни ташкил этиш билан бир қаторда озуқа тарқатишни механизациялаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Озиқ моддаларни олишга сарф қилинадиган ем-хашак сут етиштиришда, бошқа чорва маҳсулотларини етиштиришга қараганда кам сарфланади. Масалан, сутдаги 1000 ккал озиқ моддаларни олиш учун 2,0 озиқа бирлиги сарфланса, қорамол гўштига 10,2 озуқа бирлиги сарфланади. Сут етиштиришда озуқа моддалар бирлиги бўйича қорамол гўшти

етиштиришга қараганда 5,5 барабар ем-хашак кам сарфланади. Бунда кўкат озуқалар, пичан, силос ва сенаж ҳамда илдиз мевали каби озуқалардан фойдаланилади. Сут етиштиришда молларнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун пичан, силос, сенаж, ўт уни ва илдизмевали озуқаларни кўпроқ етиштиришни талаб этади. Шу муносабат билан чорвачиликни жадал ривожлантириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб ва уни амалга ошириб озуқа базасини барпо этиш мумкин. Кўп йиллик ўтлар майдони кенгайтирилиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ем-хашак тайёрлашда ва уни сақлашда жадал усул бўлган, ўтларни яссилаб эзадиган машиналар ёрдамида ўриш ва пичанни шимоллатиш йўли билан қуриштиш, сенаждан брикетлар тайёрлаш, витаминли ун қилиш, силос бостириш ва илдизмевали экинларни экишни кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда. Табиий ўтлоқларнинг, айниқса, чўл ва ярим чўл ҳудудларда ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун чорвачилик объектлари жойлашган жойга экин экиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ширали ва дағал озуқалар учун бир гектар ердаги энг кўп озиқа бирлиги олинадиган ўсимликларни танлаб экиш тавсия қилинади. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси кўп йиллик маданий яйловлар ниҳоятда фойдали эканлигидан далолат бермоқда. Ёз пайтида кўкат озуқалардан фойдаланилганда молларнинг маҳсулдорлиги энг юқори даражага етади. Шунинг учун кўп йиллик маданий яйловларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Барча фермер хўжаликларида ем-хашакнинг барча турларини ўзларида етиштириш белгиланган. Аммо кўпчилик хўжаликларда молларни озиқлантириш даражаси рационнинг умумий кўрсаткичига нисбатан паст даражада. Натижада 24 ойлик ёшдаги молларнинг гўштга топширилаётгандаги тирик вазни 300 кг дан ошмайди. Молларни боқишнинг самарадорлиги рационнинг сифатига, таркибидаги протеин миқдориغا боғлиқ. Агарда хўжаликларда молнинг тирик вазнини 1 кг га ошириш учун 10-12 кг озиқа бирлиги сарфланаётган бўлса, илғор

хўжаликларда 8-9 кг озиқа бирлиги сарфланмоқда. Бу шуни кўрсатадики, моллар рационада тўйимли омихта емларнинг улуши кўпайса, рационнинг озиқ моддалардан фойдаланиш 30 % га ошади.

Ёш моллар тўйимли озуқалар билан озиқлантирилганда уларнинг ёш организмнинг тез ўсиш қобилиятидан тўла фойдаланилади, шу билан бирга тирик вазнининг ўсиш бирлигига озиқ моддалар кам сарфланади.

Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш барча чорва маҳсулотини кўп миқдорда ишлаб чиқаришга асосий база ҳисобланади.

Маълумки, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ортган сари улар озуқа рационининг сифатига ва тўла қимматлилигига талабчан бўлади. Сутдор сигирлар организмида модда алмашинуви жараёни ўсаётган молниқига ва гўштдор қорамолларниқига қараганда ҳам анча юқори бўлади.

Сутдор сигирлар меъда олди бўлимларида турли хил микроорганизмлар жуда кучли ривожланган бўлиб, уларнинг биомассаси 3 кг (қуруқ модда ҳисобида) гача боради. Бу микроорганизмлар катта қорин, тўр қорин ва қат қоринларда озуқалар таркибидаги мураккаб углеводлар ва протеинларни энг оддий туригача парчалайдилар.

Соғин сигирлар кун давомида клетчаткага бой бўлган кўплаб миқдордаги ҳажмдор озиқаларни ошқозон ичак тизимида ҳазм қилишларида меъда олди бўлимларининг ниҳоятда катта ҳиссалари бор.

Сўнгги йилларда сут ишлаб чиқариш фермерлик ҳамда йирик комплексларда мужассамлашган бўлиб, уларда сигирларни асрашнинг асосан 3 та усули қўлланилади: молхоналарда боғлаб боқиш, тўшамали сигирхоналарда боғламасдан ва молхоналарда боғловсиз боксларда боқиш.

Соғин сигирлар учун қиш фасли рационларига дуккакли бошоқли ўтлар пичани, табиий яйловлар пичани, баҳорги экинлар поҳоли, пахта шелухаси, сенаж ва илдизмевалар яхши озиқа ҳисобланади. Рационнинг энергетик тўйимлигини ошириш учун арпа, сули, жавдар, маккажўхори донлари ёрма сифатида, пахта шроти, буғдой кепаги сингари концентрат озиқалар қўлланилади. Рационнинг протеинли ва витаминли тўйимлигини

ошириш учун дуккакли ўтлардан тайёрланган ўт уни ёки сояда қуритилган, япроқлари тўкилмаган пичанлардан тайёрланган витаминли пичан унларидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Вино ва пиво заводлари чиқиндилари (барда) ҳам соғин сигирларни сутини кўпайтириш хусусиятига эгадир.

Ёз даврида рационининг асосини эса экилган дуккакли ва бошоқли ўтлар, яйлов ўтлари, яшил конвейер ва маданий яйлов ўтлари, ҳамда қисман юқорида қайд қилинган концентрат озиқалар ташкил қилади.

Силос, сенаж ва илдизмевалар етарли миқдорда бўлганда соғин сигирларнинг кун сутдорлигига қараб ўртача ҳар 100 килограмм тирик вазнига 1,5-2 кг (3 килограммгача) сифатли баҳорги арпа, сули, жавдар ёки тарик похоли, маккажўхори ёки жўхори пояси билан алмаштириш мумкин.

Чорва молларини маҳсулдорлигини оширишда айниқса, маҳсулдорлик кўрсаткичларини потенциал имкониятларини рўёбга чиқаришда омихта емларнинг аҳамияти каттадир. Ҳар хил озуқа воситаларидан тайёрланган аралашма (омихта ем) озуқа ҳайвонларни турли хил тўйимли моддаларга бўлган талабларини қондиришда бир-бирини тўлдиради. Рационни ҳазм бўлишини, уни биологик тўла қимматлилигини оширади. Омихта ем таркибига кирадиган озуқа воситаларини махсус дастур асосида электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиб танланади.

Омихта ем ҳайвоннинг жинси, ёши, физиологик ҳолати ва маҳсулдорлигига қараб турли рецептлар бўйича ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш шароитида яхши натижа берган рецептлар Давлат стандарти томонидан тасдиқланади. Турли хил ҳайвонлар учун қабул қилинган омихта ем рецептларига махсус тартиб рационлари белгиланади.

Хўжаликнинг озиқабоп экинлар майдони бир йўла деҳқончиликда тупроқ унумдорлигини кўтаради ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга хизмат қилади. Шу боисдан биз хўжаликнинг озиқа базаси ҳолатига эътибор қаратдик.

Хўжаликнинг 30 гектар беда майдонидан пичан ҳисобида 1050 центнер ҳосил олинган ёки ҳар бир гектар беда майдонининг ҳосилдорлиги пичан

хисобида 35 центнерга, беда кўк масса хисобида 10200 центнер ҳосил олинган ёки ҳар бир гектар беда майдонининг ҳосилдорлиги кўк масса хисобида 341,5 центнерга тўғри келган.

Жадвал-3.

Хўжаликнинг озиқа базаси кўрсаткичлари

Озуқа турлари	Ялпи ҳосил, центнер
Беда пичани	1050
Беда кўк массаси	10200
Маккажўхори силоси	6300
Маккажўхори дони	140
Хашаки лавлаги	1503
Сомон	160
Жами озиқалар тўйимлилиги, озиқа бирлиги	4010,5

Силос учун 15 гектар майдонга экилган маккажўхоридан 10510 центнер ҳосил олинган, яъни ҳосилдорлик гектарига 420 центнерга тўғри келган. Маккажўхори донга кирмасданоқ силосга ўрилади.

Такрорий экин сифатида 10 гектар майдонга экилган маккажўхоридан дони олиниб, пояси силосга бостирилган. 10 гектар макка майдонидан 140 центнер яъни гектаридан 14 центнердан макка дони олинган.

Булардан ташқари 3 гектар майдонга хашаки лавлаги экилган бўлиб, ҳосилдорлиги гектарига 501 центнерни ташкил этган.

Озиқа базасини яратишда хўжаликда ишлар яхши йўлга қўйилган десак бўлади. Яъни унумли ҳосил олиш мақсадида ерга минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилмоқда. Масалан, маккажўхори 6 барг бўлганида гектарига 200 килограммдан карбамид солиниб, июл-август ойларида гўнг шарбат ҳолида гектарига 2 тоннадан берилган. Лекин шунга қарамадан концентрат озиқалар тайёрлаш йўлга қўйилмаган, яъни хўжалик шротни 1 килограммини 1200 сўмдан ва кепакни 1 килограммини 600 сўмдан

сотиб олмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг таннархини оширади ва рентабеллик даражаси пасайиб кетади.

Хўжаликнинг 2013 йил қишловига тайёрланган озиқа базасини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвал-4.

Қишловга тайёрланган озиқалар тўғрисида маълумот

Озиқа турлари	Миқдори, ц
Беда пичани	1050
Сомон	160
Макка силоси	5355
Хашаки лавлаги	1503
Макка дони	90

Чорва моллари озиқа базасини мустаҳкамлашда улар учун керакли бўлган миқдордаги дағал, ширали ва концентрат озиқалар захирасини яратиш эътиборга олинади. Бу захира чорва молларининг турлари, маҳсулотлар етиштириш хиллари, молларни озиқлантириш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Озиқа базасининг имкониятлари билан чорвачилик соҳасини ривожлантириш меъёри бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Шу боисдан озиқа базасини жадаллаштириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда чорвачиликни ривожлантириш меъёрларини белгилаш лозим.

III-БОБ. ТАҲЛИЛ УСЛУБИ.

Қора-ола зотли биринчи туғишдаги сигирларни сут маҳсулдорлигини ошириш омилларини таҳлил қилиш мавзусидаги битирув малакавий иши Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Ш.Мирахмедов фермер хўжалигида олиб борилди.

Бунинг учун биз қора-ола зотли сигирларнинг биринчи лактациясидаги сут маҳсулдорлигини таҳлилинини сигирларнинг шахсий карточкалари маълумотларидан фойдаландик ва ўз олдимизга қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдик.

1. Биринчи тукқан сигирларни озиқлантиришни;
2. Ғунажинларни асраш шароитларини таҳлил қилишни;
3. Биринчи туғиш ёшидаги ғунажинларни туғишга тайёрлашни;
4. Биринчи тукқан сигирларни серсут қилишни;
5. Биринчи тукқан сигирларни сут маҳсулдорлигини таҳлил қилишни.

Хўжаликдаги урғочи бузоқлар ва биринчи туғиш ёшидаги ғунажинларни асраш хўжалик шароитида ўрганилди.

Озиқлантириш бир бош ғунажинга сарфланган озуқа миқдори асосида таҳлил қилинди.

Сутнинг ўртача ёғлилиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Ўртача ёғlilik} = \frac{\text{1\% сут}}{\text{Лактация давомидаги сут}}$$

Сут ёғ чиқими қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Сут ёғ чиқими} = \frac{\text{Лактация давомидаги сут} \times \text{Ўртача ёғ}}{100}$$

Сутдорлик коэффициентини қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{\text{коэф}} = \frac{\text{Лактация давомидаги сут}}{\text{Тирик вазн, кг}} \times 100$$

IV-БОБ. ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ.

4.1. Ғунажинларни асраш шароитларини ўрганиш.

Сигирларни сут маҳсулдорлигини оширишда асраш шароитлари муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлим шароитида урчитилаётган сигирларнинг сут таркибидаги қуруқ моддалар миқдори йилнинг мавсумига боғлиқ равишда ўзгаради. Ҳавонинг юқори ҳарорати сутнинг ёғлилигини камайтирса, унинг пасайиши ёғни камайтиради.

Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтининг маълумотларига кўра, ёзнинг иссиқ кунлари очик майдонларда боқилган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 9,3-12,1 фоизга, ёғ миқдори 7,7-13,4 фоизга, оқсил 3,7-4,8 ва шакар 1,8-2,2 фоизга камайган.

Очик ҳавода сигирларнинг сайр қилиши ва етарли мацион олиши сутнинг ёғлилигини кўпайтиришга олиб келади. Масалан, қиш ойларида фаол мацион олган сигирлар сутининг ёғлилиги 0,17-0,24 фоизга кўтарилган. Кузда соғиб олинган сут таркибида баҳорга нисбатан ёғ миқдори 0,2-0,4 фоизга кўп бўлган.

Хўжаликдаги қорамоллар қуйидаги тартибда асралади. Туғилгандан кейин 2 кун бузоқлар онаси билан сақланади. 2 кундан 15 кунгача якка катакларда 16 кунликдан бошлаб гуруҳлар бўйича 10 бошдан очик майдончаларга эга бўлган бўлакларда сақланади.

6 ойлигидан 12 ойлик ёшигача ҳар бир бузоққа оғилхонада 4,5 м² яйратиш майдончасида эса 7,3 м² жой тўғри келади.

Хўжаликдаги молларни асраш учун 2 та 200 бошга мўлжалланган оғилхона, яйратиш майдончалари, сунъий қочириш хонаси, озуқа цехи, озуқа омбори, сунъий қочириш хонаси, силос ва сенаш бостириш траншиялари ва бошқа қулайликлар мавжуд.

4. 2. Биринчи туққан сигирларни озиқлантириш.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини тўла қийматли; озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Илмий тадқиқотлар тажриба гуруҳларидаги молларни озиқлантиришга кетган озуқаларни турлари бўйича бериш муҳим ҳисобланади.

5-Жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг 1 соғин давридаги рацион таркиби келтирилган.

5-Жадвал.

Сигирларнинг 1 соғин давридаги рацион таркиби

№	Озуқалар тури	Микдори, кг
1	Беда пичани	5,24
2	Сенаж	9,52
3	Силос	10,53
4	Озуқабоп лавлаги	3,20
5	Сомон	1,15
6	Барда	6,06
7	Яшил беда	40,69
8	Омухта ем	23,61

5 Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики сигирларнинг рацион таркибида хўжаликдаги бошқа тенгдошларидан кескин фарқ эмаслигини кўрсатади, бу ҳол эса I соғин даври мобайнида сигирларини бир хил турда озиқлантириш ташкил этилганлигини кўрсатади.

4.3. Бузоқларни подани тиклаш хусусияти

Сутбоп қорамолчиликда пода маҳсулдорлигини оширишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўпгина омиллар таъсир қилади. Ҳайвонларни озиқлантириш ва сақлаш шароити билан бир қаторда бу муҳим муаммони ечишда подани тиклаш жараёни муҳим аҳамиятга эга.

Сут ишлаб чиқариш самарадорлиги маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг сигир биринчи туққунга қадар сарфланган харажатга бўлган нисбати билан аниқланади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак бузоқларни жадал боқиш асосан тез етилувчан молларни етиштириб подани тез тиклаш билан бевосита боғлиқдир.

Бузоқларни жадал боқиш организмда модда алмашинувини тезлаштириш билан уларнинг подани тиклаш хусусиятига ҳам таъсир кўрсатди.

Бузоқларнинг подани тиклаш хусусияти

Жадвал № 6

№	Кўрсаткичлар	Натижалар
1	Биринчи марта қочиришдаги тирик вазни, кг	352
2	Биринчи марта қочиришдаги ёши, кун	612
3	Биринчи марта қочиришдаги оталаниши, %	51
4	Бўғозликнинг давомийлиги, кун	284
5	Биринчи туғишдаги тирик вазни, кг	400

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бузоқлар қочиришдаги ўртача тирик вазни 352 кг бўлиб, биринчи туғишдаги тирик вазни 400 кг бўғозлик давомийлиги 284 кунни ташкил қилди.

4.4. Ғунажинларни туғишга тайёрлаш.

Чорвачиликни жадаллаштиришда сутбоп подаларни бир хилдаги сермахсул моллар билан таъминлаш муҳим муаммолардан ҳисобланади, чунки подадаги моллар ишлаб чиқариш шароитига қанча мослашган бўлса, чорва самарадорлиги шунча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам бир хилдаги моллардан подалар тузишда нафақат селекция усуллари, балки улар ривожланиши учун яхши шароит яратиш ҳам асосий омиллардан биридир. Бунда ғунажинларни туғишга тайёрлаш, уларни тўла қимматли озиқлантириш муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Маълумки сигирлар елини лактация даврида сут ҳосил қиладиган ва сут чиқарадиган муҳим орган ҳисобланади. Унинг хусусияти ирсият билан боғлиқ бўлиб, тана ҳамда ғунажинларнинг ўсиш ва ривожланиши жараёнида шаклланади. Шу билан бирга ғунажинлар ва сигирларнинг елинини шаклланишини тезлаштирувчи омиллардан бири уқалашдир. Ғунажинлар елинини бўғозликнинг иккинчи ярмидан уқалаш сут бериш вақтигача унинг шаклланишига ва без тўқималари ривожланишига ижобий таъсир этиши аниқланган. Шуларни ҳисобга олиб, ғунажинларнинг елинини уқалашни улар бўғозлигининг 6-7 ойида бошланади. Биринчи кун ғунажинлар анча безовталанади. Шунинг учун уларга омухта ем бериш пайтида елини енгил силанади ва бу ғунажинларга хуш ёқиб, уқалаш пайтида тинч туради. Аста-секин қўлни елинга теккизиб, 1-2 дақиқа давомида енгил уқаланади ва шу тарзда улар уқалашга ўргатилади.

Уқалаш бошлангандан 2-3 кун кейин, елин паллалари ва сўрғичлари уқаланади, чўзилади. Бу тадбирлар ҳаммаси подадаги сигирларни соғиш пайтида ўтказилади.

Сўрғичлари уқаланиб, енгил тортиб қўйилади. Учинчи ҳафтада ғунажинлар елини анча узоқ, ҳар бир палласи алоҳида (ўнг ва чап елин паллалари юқоридан пастга қараб) уқаланади ва сўрғичлари тортиб-тортиб, чўзиб қўйилади.

Тўртинчи ҳафтада елиннинг олдинги ярмини уқалашга алоҳида эътибор қаратилади. Уқалаш бузоқнинг сут эмишига тақлид қилиб, елинни юқорига силташ билан тугатилади.

Иккинчи ойда (бўғозлигининг 7 ойида) ғунажинлар елинининг ҳар палласи алоҳида ва обдон уқаланиб, кейин сўрғичлар ҳам худди олдингидай уқаланади. Уқалаш кунига 2 марта эрталаб ва кечқурун 5-7 дақиқа қилинади.

Учинчи ойда (бўғозликнинг 8 ойида) ғунажинларни худди 7 ойдагидай уқалаш давом эттирилди. Бу даврда елин ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади.

Елин ишишининг олдини олиш ва вақтидан аввал сут ажралиб чиқмаслиги учун, ғунажинлар елинини уқалаш, уларнинг туғишдан 20 кун олдин тўхтатилади ва 10 кун қолганда туғруқхонага ўтказилади. Туғишга 24 соат қолганда, ғунажинлар ёпиқ туғиш хонасига ўтказилади ва боғламасдан сақланади.

4.5. Биринчи туққан сигирларни сут маҳсулдорлигини таҳлил қилиш.

Биринчи туққан сигирларни сут маҳсулдорлигини ва сифатини ошириш қорамолчиликда муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда Ўзбекистонда урчитилаётган Қора-ола зотли сигирларни сут маҳсулдорлигини ошириш ва такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи туққан сигирларни серсут қилиш, ғунажинларни туғишга тайёрлаш, дурагайлаш, озиқлантириш, асраш усуллари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Хўжаликдаги биринчи туққан сигирларни лактация ойлари бўйича сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари қуйидагича бўлган (жадвал №7)

**Хўжаликдаги биринчи туққан сигирларни лактация ойлари
бўйича сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари**

Жадвал № 7

№	Латация ойлари	Сут, кг	Сут ёғи, %
1	I	216,8	3,7
2	II	278	3,7
3	III	312,6	3,64
4	IV	290,8	3,64
5	V	248	3,74
6	VI	214	3,76
7	VII	188	3,76
8	VIII	166	3,78
9	IX	120	3,8
10	X	60	3,8
11	Жами:	2094,2	3,73

Жадвал маълумотларига кўра, биринчи туққан сигирларнинг энг юқори сут маҳсулдорлиги лактациясининг III-IV-ойликларида юқори бўлган, яъни 312,6-290,8 кг ни ташкил қилган. Бутун лактация давомидаги берган сут маҳсулдорлиги ўртача 2094,2 кг ни ташкил қилган. Сутнинг ўртача ёғлилиги 3,73% бўлган.

Хўжаликдаги биринчи тукқан сигирларни лактация ойлари бўйича лактация эгри чизиғини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Сигирларни сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари қуйидагича бўлган (жадвал №8)

Хўжаликдаги биринчи тукқан сигирларни сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Жадвал № 8

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Лактация давомидаги соғиб олинган сут	кг	2094,2
2	Сутнинг ўртача ёғлилиги	%	3,73
3	Сут ёғ чиқими	кг	78,2
4	Тирик вазни	кг	388
5	Сутдорлик коэффициенти	кг	546,6

Жадвал маълумотларига кўра, хўжаликдаги биринчи туққан сизирларнинг лактация давомидаги сут маҳсулдорлиги 2094,6 кг, сутнинг ёғлилиги 3,73 %, сут ёғ чиқими 78,2 кг сутдорлик коэффициенти 538,6 кг ни ташкил қилмоқда.

Хулосалар.

1. Хўжаликдаги подани тулдирувчи ғуножинлар қочиришдаги ўртача тирик вазни 352 кг бўлиб, биринчи туғишдаги тирик вазни 400 кг бўғозлик давомийлиги 284 кунни ташкил қилди.

2. Хўжаликдаги биринчи туққан сигирларнинг энг юқори сут маҳсулдорлиги лактациясининг III-IV ойликларида юқори бўлган, яъни 312,6-290,8 кг ни ташкил қилган. Бутун лактация давомидаги сут маҳсулдорлиги 2094,2 кг, сутнинг ўртача ёғлилиги 3,73% ни ташкил қилмоқда. сут ёғ чиқими 77,3 кг, сутдорлик коэффиценти 539,4 кг ни ташкил қилмоқда.

3. Хўжаликдаги биринчи туққан сигирларнинг сут ёғ чиқими 78,2 кг сутдорлик коэффиценти 538,6 кг ни ташкил қилмоқда.

Ишлаб чиқаришга таклиф.

Биринчи туққан сигирларни сут маҳсулдорлигини ошириш учун ғунажинларни туғишга тайёрлашни, озиқлантириш даражасини оширишни ва серсут қилишни таклиф қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 308 сонли қарори, Тошкент, 2006
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 21-апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842-сонли қарори.
3. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент-2009.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси. Тошкент-2003.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наслчилик ишлари” тўғрисидаги қонуни. Тошкент-1995.
- Абдалниёзов.Б, Худаёров.Р. «Голиштин қизил-ола билан қизил чўл зотлари дурагайлариининг маҳсулдорлиги». “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” Ж. “Агро илм” илмий иловаси. Тошкент, 2007 й.
6. Акбархўжаев Ш., С.Исломхўжаев. “Сут ва гўшт етиштириш технологияси” Тошкент, “Меҳнат” 1988 й.
7. Авезов А. «Қорамолларнинг наслдорлигини баҳолаш усуллари». Журнал “Зооветеринария”, 2008 й, №5.
8. Алиев Р.Г, Алипанахов.А.Б. «Особенности коров красной степной породы и ее помесей». Жур. «Зоотехния», М, 2005, №2.
9. Амерханов.Х. «Производство говядины состояния тенденции и перспективы развития» Ж. «Молочной и мясное скотоводства», М, 2004, №
10. Акмалханов Ш.А. - “Бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологияси”. Тошкент, “Меҳнат”, 1986 й. 176 б.

11. Акмалхонв Ш.А, Носиров У.Н. “Шахсий фермер учун чорвачилик соҳаси бўйича эслатма” Тошкент, 1994
12. Акмалханов.Ш.А. и другие. “Физиолого-биохимические особенности молочного скота к промышленной технологии в условиях Средний Азии”. Бюл. ВНИИ физиологии и биохимии питания животных. Боровск, 1986 Г, вып
13. Аширов М.И. Сигирлар сут маҳсулдорлигини уларнинг туғиш фасллариға боғлиқлиги “Чорвачилик ва паррандачилиқ маҳсулдорлигини ошириш”. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 1993.- 59-65 бетлар
14. Аширов М.И. Сигирларни туғишдаги ёшани сут маҳсулдорлиғига таъсири “Чорвачилик ва паррандачилиқ маҳсулдорлигини ошириш. Илмий мақолалар тўплами”. Тошкент, 1993
15. Аширов М.И. Жуфтлаш усулларининг сигирлар сут маҳсулдорлиғига таъсири Чорвачилик ва паррандачилиқ маҳсулдорлигини ошириш. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 1993
16. Барабанников.Н.В, Контрол.Н.В “Качества молоко на ферме” 1986 г
17. Боротников.А.М, Деряженцов.В.И, Епишина.Т.М. «Технологическая оценка параметров содержания быков-производителей на племпредприятиях». Ж. «Зоотехния», М, 2008 Г, №7.
18. Гостев.В.С “Фагациты, комплемент и свертывание крови при недостатке белка в пище” 1996 й.
19. Веляких. А.С “Саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш”, Тошкент, “Ўқитувчи” 1983 й.
20. Димов.В, Ефимова.Л. «Молочная продуктивность коров в хозяйствах Красноярского края». Ж. «Молочное и мясное скотоводство», М.2005 г. №3.
21. Касумов.И.М, Кадиев.И.М «Особенности коров красной степной и черно-пестрой породы в Дагестане». Ж. «Зоотехния». М.2000, №6.
22. Карликов.Д.В, Петляков.А.Т, Казарбин.Д.Р. «Улучшение черно-пестрого скота подмосковья». Ж. «Зоотехния», М, 1988, ;3.
23. Мақсудов И.М. – “Рационда турли микдорда ем билан ўстирилган биринчи туғиш сигирларни сут маҳсулдорлиғи” Тошкент 1992 й.

24.Максудов И.М.- Ёш молларни парваришlash ва сермахсул сигирлар етиштириш технологияси. Самарқанд 2009 й.

25.Максудов И.М. - Совершенствование технологии выращивания первотелок черно-пестрой породы в условиях жаркого климата. Автор.докт.дисс., Т.1994, С.34-38.

26. Максудов И., С.Жуманов. «Қорамолларни сунъий уруглантириш-самарадорлик манбаи». «Ўзбекистон кишлок хужалиги журналининг «Агро илм» илмий иловаси». Тошкент 2007 й. №4-сон.

27. Мадаминов К «Чорвадорнинг ён дафтари». Тошкент. «Мехнат», 1988 й.

28. Мустафаев А.М. «План племенной работы с бушуетской породой скота». Тошкент «Мехнат», 1989 й.

29. Мавлонов.Н.О, Мавланов.Э.Н «Қорамолчилик». Тошкент 1984 й

30. Ҳофизов. И.И «Турли генотипли қизил чўл зотли қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва пуштдорлик хусусиятларининг табиий чидамлилигига боғлиқлилиги» 2004 й

31. Носиров У.Н.. «Қорамолчилик» Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2004 й.

32.Носиров У.Н., Усмонов О., Мирахмедов М. – «Фермер бўламан». Тошкент-2002 йил.

33. Носиров У.Н.. Носиров Ғ.У...Носиров Т.У. «Чорвачиликда классик ва замонавий селекция усуллари» Тошкент, 2008 й.

34. Икромов. Т.Х. «Қорамолчилик» кўп ва сифатли сут етиштирининг муҳим омиллари. Тошкент 1995 й.

35. Погребняк.В.Влияние живой массы на молочную продуктивность коров. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», 1999 г. №2.

36. Стрекозов.Н.И, Левина Г.Н. «Индивидуальный подбор с учетом типа животных и селекции быков». Ж. «Зоотехния», 2001 г, №1.

37. Солдатов. А.П. « Крупномасштабная селекция и перспективы размещения пород крупного рогата скота в России». Сб. «Повышении генетического потенциала молочного скота», М, Агропромиздат, 1986 г.
38. Собиров П.С., Қаххоров А.Қ. – “Чорва молларини урчитиш”. Тошкент-2003 йил.
39. Хафизов.И.И. «Турли генотипли қизил чўл зотли қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва пуштдорлик хусусиятларининг таббий чидамлилигига боғлиқлиги». Тошкент 2004 й.
40. Хафизов И.И ва бошқалар. “Қорамолчиликда наслчилик ишларини такомиллаштиришнинг замонавий усули” Зооветеринария Ж. 2008 №6.
41. Эрнес.Л.К, Григорьев Ю.Н «Совершенствование животных в хозяйствах крупных регионов». Сб. Создания новых пород сельскохозяйственных животных. М. Агропромиздат, 1987 г.
42. Ҳамроқулов Р., Карибаев К.К. – “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиклантириш”. Тошкент-1999 й.
43. Шоймуродов Н.Т. - “Толиштинлаштирилган қора – ола зотли турли вазинда туғилган бузоқларнинг ўсиш ривожланиши ва маҳсулдорлик белгилари”. Автореферат. Тошкент-2008 й.
44. Win M.Fncch Elit fur noccy bessere ilestunden - Agra; bers - 1976,27,p.555-559.
45. Oldcnbrock J.A. Comparison of Hoistein Friesian and DutcV and whites production characteristics. Livestock production Sci-1984Л.6981.
46. Grawert И.О. Holstein-Freisian and beef production. DSA Friesland .Journal, 1973, 538, p.2529.
47. Drilling W. Red Hoistein und die Dentshen Rotbunten meizuchter-1977, Bd29,H.7,s.311-312.

48. Freeman A.E. Results of Holstein breed comparisons in European countries Ames. Iowa Holstein science red, Holstein Friesian assoc. Of America, 1984,5.
49. <http://www.stud.ru/referats/>
50. <http://referat.students.ru>
51. <http://www.referats.net>
52. <http://www.referats.com>